

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ\*

1931 йилдан чиқа бошлаган

2002 йил 20 апрель, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 30 (7433)



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти бугун мамлакатимизда кечайётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турлари оммавийлигини ошириш, баркамол авлодни вояга етказиш ишларига муносаб ҳисса қўшиш йўлида кўплаб хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ўтган йили Жizzах шаҳрида илк маротаба ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақалари тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифаларни бажаришда ҳам ушбу ташкилот мутахассисларининг ташаббускорлиги ҳамда фидойиликлари намоён бўлди. Хусусан, ана шу мусобақа учун маҳсус машъала ва олов сақловчи қурилманинг яратилиши ҳамда мусобақа оловининг Паркент туманидаги "Физика-Кўёш" илмий ишлаб чиқариш марказида ёндирилиб, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ҳудудлари орқали Жizzах шаҳридаги мусобақаларнинг бosh майдонигача спортчилар ва автоулов эстадеталари орқали етказилишида ҳам "Ватанпарвар" ташкилотининг ўзига хос ўрни бор.


Бу йил ҳам республика раҳ-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон Давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида" ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқий таълимнинг барча йўналишлари бўйича таянч олий ўқув юрти мақомини олди.

\*\*\*

Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Ўзбекистон ислом обидалари" фотоальбомининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда олимлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари ва журналистлар иштирок этди. Маросими Боз вазир ўринbosari X. Кароматов бошқарди.

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI



Олий Мажлис Матбуот ва ахборот кўмитасининг йиғилишида оммавий ахборот восита-  
ларининг foявий-сиёсий таъсирчанлигини ошириш, уларнинг ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлишига эришиш масалалари юза-  
сидан фикрлашилди. Йиғилиши кўмита раиси Уткир Ҳошимов олиб борди.

\*\*\*

Худудларда хорижий инвестиция иштирокида корхоналар ташкил этишини мувофиқлашириш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳнинг навбатдаги мажлисида 2002 йил I чорагида ишлаб чиқариш қўшма корхоналари ташкил этиш дастурининг прогноз кўрсаткичлари ижросининг бориши кўриб чиқилди.

умумий ўрта таълим мактаб ўкувчиларининг катта спорт байрами арафасида муҳбимиз ушбу ташкилот раисининг ўринbosari, республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Шарифжон Мўминжонов билан сұхbatлашди.

— Шарифжон ака, бугун ҳар бир мактаб ўкувчисининг нигоҳи қадалган спорт мусобақалари машъаласи тўғрисида батафсил сўзлаб берсангиз.

— Марказий кенгаш раёсати томонидан тузилган маҳсус ишчи гуруҳи аъзоларининг машъала яратиш масаласига ижодий ёндошишлари туфайли "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг машъаласи тўла қайта ишланниб, унинг ёнилғи қисми янада такомиллаштирилган ҳолда фойдаланишга шайхолатга келтирилди.

(Давоми 8-бетда)

## ГАП БИЛАН ИШ БИРЛИГИ

Кўп ҳолларда маблағ билан боғлиқ бўлган ваъдалар ишлар давомига амалга ошмайди. Натижада умид кўзини тиккан одамларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Балки Паҳтацида бўлиб ўтган "Мактаблар куни"да вилоят ҳокимилиги томонидан туман ҳалқ таълими бўлимига "Тико" хизмат машинаси, иқтидорли ўқувчи О.Саъдиновга компьютер, тумандаги 35-, 20-мактаблар ва 52-мактаб-интернатни таъмирлашга миллионлаб маблағ ажратилди, деганда кўпчилик ишонмагандир.

Бугун паҳтацилик таълим ходимларининг қувончлари чексиз. Негаки, айтилган ваъдалар ўн беш кунда ижобат бўлди. Ҳамто, туман ўкувчиларини дарслик билан таъминлаш мақсадига ажратилган 10 миллион сўм маблағ ҳам ўз эгаларига бориб етди. Шубҳасиз бу ҳадялар паҳтациликларни таълим соҳасига янага яхшироқ меҳнат қилишга унгайди.

МУХБИРИМИЗ

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ  
ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСИ

3-бет

СИЗ  
КОНСТИТУЦИЯНИ  
БИЛАСИЗМИ?  
(тест-танлови  
натижалари)

4-бет

МУСИҚА  
ТАРБИЯДА МУҲИМ  
АҲАМИЯТГА ЗГА

5-бет

ИЖТИМОЙ-  
ГУМАНИТАР  
ФАНЛАРНИ ҶАНДАЙ  
ҮКИТИШ КЕРАК?

6-бет

БИР МАКТАБДАН  
28 НАФАР ГОЛИБ

9-бет

АДАБ ИЛМИНИНГ  
ДУРДОНАСИ

"Муқаддамату-л  
адаб" асари  
хусусида

10-бет

ТЕОДОР  
КОХЕР

13-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Келгиси ҳафтада теледастурлари  
билиш танишиш!

14-бет

ИСИРИҚ - МИНГ  
ДАРДА ДАВО

15-бет

ГУРУНГ

16-бет

"Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг давлат аттестацияси тўғрисида"ги Низомнинг 12-бандида: "Аттестация комиссияси таркибига малакали педагоглар, олимлар, таълимни бошқариш бўйича ваколати давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мутахассислари киради" деб кайд этилган. Номлари келтирилган барча мутахассислар давлат аттестация комиссияси таркибида юкори даражадаги "жамоатчи эксперталар" сифатида фаолият кўрсатадилар.

лари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан воқиф бўлишлари, ўкувчилар ўтказиладиган назорат ишларини оптимал равишда ташкил қилиш малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Аттестация жараёнида жамоатчи эксперталар ўз йўналишлари ва фани бўйича педагогик ҳужжатларни таҳлил этиб, комиссия ҳайъатига экспертиза хулосасини тайёрлаб беришиди.

Масалан, мактабнинг ўкувчилари талабида жамоатчи эксперталар" сифатида фаолияти самарадорли-

## ЖАМОАТЧИ ЭКСПЕРТ КАНДАЙ ИШЛАШИ КЕРАК?

Низомга мувофиқ ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар қошида "Таълим муассасалари давлат аттестация комиссиялари" ташкил этилган. Таълим турлари бўйича шакллантирилган жамоатчи эксперталар сони бугунги кунда 7000 дан орти.

Пойтахтимизнинг Юнособод тумани ҳокимияти қошидаги давлат аттестация комиссияси жамоатчи эксперталар: Ф.Шарипова, М.Гуломова ва Н.Эргашевалар (258, 105, 271-сон мактаблар) иши билан яқиндан танишиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

Асосий иш жойларидан ажралмаган ҳолда жамоатчи эксперталар умумий ўрта мактаб давлат аттестациясида самарали иштирок этиб, комиссия аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсимоти бўйича белгиланган иш кўламини ўз вақтида сифатида бажариб топшириларни керак. Малакали педагоглардан ўз фани бўйича чуқур билимга эга бўлиши-

гини баҳолашда М.Гуломова унинг шахсий иш режаларидан бошлаб, дарс жадваллариңинг тақсимланиши белгиланган ўкувчиларни мониторинги қай даражада ташкил этилганлиги, давлат таълим стандартларининг ўкувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва сифати, ўтказилган назорат ишларининг натижаларига ўрганиб, таҳлил этиган.

Муайян фан бўйича ўкувчиларнинг билим сифати, ўзлаштириши даражасини аниглашда Ф.Шарипова ва Н.Эргашевалар фан услубий бирлашмаси фаолияти, иш кўлами ва унинг мақсадга мувофиқлиги, дарслар таҳлилига эътибор қараштаган. Эксперталар томонидан тайёрланган назорат ишлари, олинган натижаларни умумлаштириб, ўз хулосаларни беришини ҳам унтишманган.

Таълим муассасалари давлат аттестациясида жамоатчи эксперталар иштирокининг афзалликлари нималарда кўринади?

Аттестация текшируvлари

ратчи ва педагог ходимлар ўтласидаги ишонч, ўзаро касбий хурмат, ишчанлик мухитини таъминлайди. Энг муҳими, ҳамкаслар ўтасида илгор иш тажрибаларини оммалаштири, фикр, янги foялар алмашиш, янги педагогик технологияларни ўрганиш ва тарғиб қилиш учун барча шартшароитлар яратилиди.

Юртбошимиз назорат тизимида исплоҳотларни: "Яни, жамоатимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилини сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур" деб, таърифлаганлар. Зоро, жамоатчи эксперталар фаолияти таълим соҳасида худди шу таъблардан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилиши керак.

С.АБДУЛЛАЕВА

### Tanlov

Жиззах вилоят ҳалқ таълими бошқармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят қенгаши ҳамкорликда мактаб ўкувчилари ўтасида "Сиз қонунни биласизми?" ҳамда "Сиз тарихни биласизми?" мавзуларидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичини ўтказди. "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида Фаллаор туманинди 44-мактаб ўкувчилари фахрли 1-ўринни кўлга киритдилар. Иккича учинчи ўринлар Жиззах тумани ҳамда Бахмал тумани вакилларига насиб этиди.

## ЗУККОЛАР БАҲСИ

Хусусан, "Сиз тарихни биласизми?" мавзусидаги кўрик-танлов ўкувчиларниң қизғин баҳс ва мунозаралари билан ўтди. Унда юртимиз тарихини ҳар томонлама мукаммал биладиган ёшлар, билимли зукколар астойдил кураш олиб бордилар. Хайъат аъзоларининг холосасига кўра 1-ўринга Жиззах шаҳридаги Охунбобоев номли 6-ўрта мактабнинг "Адолат" гурӯҳи муносаб деб топилди. Фориш туманинди 78-ўрта мактабнинг "Истиқлол умидлари" гурӯҳи ҳамда Дўстлик туманининг "Турон" гурӯҳи аъзолари 2- ва 3-ўрингларга лойиқ деб топилдилар. Голиб ўкувчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Абдуллаев СОДИКОВ

## ЁШЛАР МАНФААТИ – БОШ МЕЗОН

Андижон вилоятида "Конун усувор" бўлган юрт ёшларининг келажаги порлок бўлади" шиори остида ўн кунлик тадбир ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича шуғулланувчи комиссия ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирдан асосий мақсад, ёшларда мәсулсига ва фидойилик ҳиссини уйғотиш, ҳуқуқий билимларни ошириш, илим олишига, спорта қизиқтириш, қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олидини олиш ҳамда ёшлар тарбиясига масъул ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат эти.

— Энг аввал бу тадбир доирасида "Мехнат бозори" ямаркаси ни ўтказик, — дейди Ҳўжаобод

тумани ҳокимининг ўринbosari Абдуваҳоб Нишонов, — Унда тумандаги мулк шаклидан қатъий назар 24 та меҳнат жамоаси томонидан 212 та бўш иш ўрни намойиш қилинди ва 124 нафар иштирокчи шу куннинг ўзида иш билан таъминланди.

Шу йилнинг бошида туман аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан 1470 киши ишсизлиги учун рўйхатга олинган эди. Уларнинг 161 нафарини ҳеч қаерда ўқимай, ишламай келаётган вояга етмаганлар ташкил қиласди.

Бу галги ямаркада вояга етмаган ўсмирлари иш ва касб-хунарга йўналиширишга дикъат билан қаралди. Масалан, М.Мадиёров номли ширкат ҳўжалиги 12, "Хўжа-

ободконсерв" ҳиссадорлик жамияти 13, Мева қутиши корхонаси 9, газлаштириш идораси 8, "Юсуф ота", "Порлок", "Дехқон" каби ферма ҳўжаликларига эса 15 киши ишга қабул қилинди.

Шунингдек, ямаркада ўзига ўсмир сўраб мурожаат қилган якка тартибида фаолият кўрсатувчи 7 нафар хунармандга 27 нафар ўсмир ўсигирдликка қабул қилинди.

Шу тарзда ўтган йили 274 нафар ўсмирла гунар ўргатилди. Бунинг учун аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан 6 миллион сўм маблағ сарфланди. 2002 йилда яна 400 нафар вояга етмаган ўсмир касб-хунарга ўргатилди. Шу мақсаддада учун 10 миллион сўм мидоридаги маблағ ўзлаштирилди.

О.СИДДИКОВ

### Ta'kid

таълим бошқарув органларидан ташқари ҳолатда, алоҳида назорат тизимини ташкил этиди. Таълим муассасаси фаолияти фақтина давлат манбаатларини кўзлаган жамоатчи эксперталар томонидан холисона баҳоланади. Жамоатчи эксперталар томонидан таълим муассасаси фаолиятининг майян йўналиши мукаммал, атрофлича ўрганилади. Аттестация текшируvларида жамоатчи эксперталар иштироки-назо-

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизнинг барча илм масканларида жисмонан бакувват, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш йўлида кенг қарорли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўқитувчиларнинг меҳнати ҳар қанча мақтова лойиқ. Кейинги йилларда унда соҳа ходимлари ўртасида турли мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Ана шуларадан бири анъанавий "Йил ўқитувчи" танловидир.

Чилонзор тўман ҳалқ таълими бўлимида "Йил ўқитувчи" танловидир. Кўрик-танловнинг иккичи босқичи ўтказилди. Унда туман саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган, саккиз нафар педагог-ўқитувчи ўзаро беълашди. Улар ўз касбининг устаси, фидоий устозлар эканини ҳамда ҳаётий билим тажрибаларини ёш авлодга қандай ўргатетаётини саҳна кўришларни орқали тошаббинларга намойиш этиди. Танловда 281- мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Азимова тўртта шартни аълоҳида даражада бажариб, биринчи ўринини эгаллаша ва шахар босқичига йўлланмани кўлга киритди.

З.ЭШОНҚУЛОВ

Навбаҳор туман ҳалқ таълими бўлимида айни пайтда 17 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда 735 нафар болалар тарбияси билан 75 нафар педагог-тарбиячилар шуғулланмоқдалар.

Қарияларни қадрлаш ўтида тумандаги "Янги ўрғон" ширкат хўжа-

## ТАШАББУС

лида яшовчи Дилбар Қаҳхова ва Маврифатхон Ибрагимовалар хонадонида ўй боғчалари фаолият бошлади.

Бу ўй боғчаларида 20 нафар болажонлар яхши таъминланган шароитда тарбияланмоқда. Бунинг учун хонадонда барча етарли моддий ва маънавий шароит яратилган. Ётөхона, машгулот хоналари, объектларни зарурий жиҳозлар билан жиҳозланган. Туман ҳалқ таълими бўлими ташаббускорларнинг ишини оммалаштиришига қарор қилишган.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

## ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

Оқолтин тумани таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси ҳалқ таълими тизимида 30-40 йилдан ортиқ ишлаган кекса педагогларни бир пиёла чойга таклиф қилишди, давра сўхбати шаклида ўюштирилган бу тадбирда улар ўзларининг иш тажрибасидан ёш педагогларга гапириб бердилар.

Ф.Гулом номидаги 2-ўрта мактабда 50 йил ҳалқ фарзандларига хат-савод ўргатган, кекса нуроний онахон Лутфия Абдураҳимованинг ўйтлари, тажрибалари ёш

ўқитувчиларга жуда маъқул бўлди.

Шу куни ёшлар билан учрашува қариллик гаштини суроётган мураббийлардан Кўчкор Ҳудашев, Сайдали

### Tadbir

Самандаров, Абдуқодир Жиянов, Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчиси Гулом Ҳабибулаев, Диляфрўз Мўминова ва Замира Мўминова, Мусурмон Тошмуродов каби ўнлаб устозларнинг шогирдлари билан учрашуви узоқ давом

этди. Устозлар ўз шоғирдларига мустақил республика-мунисиб кадрлар тайёрлаш соҳасида зафарлар тилашди. Сўнгра нафақадаги ўқитувчиларга совғалар тақдим этилди. 2-мактабнинг ўқитувчиси К.Сувонқулов раҳбарлигидаги "Бинафша" ансамблининг шўх рақс ва қўшиқлари, ўқитувчиларнинг шеърлари, табриклари учрашува алоҳида файз киритди.

Анвар ЖАВЛОНОВ

## ТАЛАНТЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Республика XTB тасарруфидаги Республика ўқувчи-ёшлар маркази ижодий ходимлари билан ўқувчи-ёшлар ўртасида кечган мулодот ана шу мавзуда бўлди. Чилонзор туманинди 217- ҳамда 200-умумтаълим мактабларидаги таъсил олаётган болажонларнинг бўш бақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда ёшлар марказидаги турли тўғзаракларга жалб этиши мақсадидаги ташкил этилган бу тадбир қизиқарли ўтди. Аввало марказ ходимлари ва бадий жамоаси раҳбарлари марказдаги ашула ва рақс турли тўғзаракларга ҳамда қизиқувчилар клублари фаолиятлари ҳақида гапириб, уларнинг машгулотлар жадвалини айтиб ўтди. Сўнг марказдаги "Гулрӯҳ" ва "Тонг" бадий жамоалари ўқувчиларга мусиқий дастурлар намойиш этишиди.

Учрашува якунда мактаб жамоаси бу тадбир ўқувчи-ёшларнинг дарсдан бўш бақтларини мароқли ўтказишлари учун мухим аҳамиятга эга эканлигини ва айниқса, барча тўғзаракларнинг белуп ташкил этилганлиги ўқувчилар ва ота-оналар учун ҳам айни муддалигини айтиб ўтишиди.

Мавлуда МУҲАММАДИЕВА,  
Республика ўқувчи-ёшлар марказининг бўлим бошлиғи

Яқинда бўлиб ўтган иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг саккизинчи сессиясида қабул қилинган қонунлар дол зарблиги ва муҳимлиги, айниқса, уларнинг кўпчилиги умумхалқ муҳокамасидан сўнг иккичи ўқишида қабул қилинганини жамда фуқароларининг мулкий ҳукуқларини таъминлашга қаратилганини билан катта аҳамият касб этади. Хусусан, фуқароларнинг банклардаги омонатларининг кафолатлари, суғурта бозорининг янги кўринишда шакллантирилиши, ўзаро моддий кўмак олишга қаратилган кредит ўюшмалари институтларининг юзага келтирилиши ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган қонунлар республикамизда қарор топаётган фуқаролик жамиятининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамловчи омиллардан ҳисобланади.

Олий Мажлис сессиясида бош масалалардан бири бу "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиюти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида" ги конституциявий қонунининг қабул қилиниши бўлди.

Мазкур қонун жамият ва давлат курилишининг истиқболларини, хусусан, давлат ҳокимиюти органлари фоалиятини қайта ташкил этишнинг муҳим, янги принциплари ва қоидаларини белгилаб берди. Конституциявий қонун бу йилги референдум натижаларини ва ҳалқимиз хоҳиши-иродасини алоҳида қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкини, бу қонун миллий давлатчилигимиз тараққиётининг янги таянч нуқтаси бўлди.

Зеро, баъзи ҳолатлар бундай қонуннинг қабул қилинишини ва унинг конституциявий мақомга эга бўлишини тақозо этган эди.

Биринчидан, гарчанд қонунчиликда белгилангандек, референдум натижалари олий юридик кучга эга бўлсада, бу натижалар ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди. Уни рўёбга чиқариш учун Консти-

туция ва қатор қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш талаб этилади. Бу эса бир кунлик иш бўлмай, изчил амалга ошириладиган кенг қамровли, маълум қонун-қоидалар асосидаги жараёндир. Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ана шу жараённинг муқаддимасидир.

Иккинчидан, референдум натижаларининг юридик кучи, албатта, уларнинг тегишли қонунларда мустаҳкамланиши орқали намоён бўлади. Янги конституциявий қонун эса референдум натижаларининг муаллақ, ҳаркатсиз туриб қолишининг олдини олади, яъни референдумдан олинган натижаларнинг руҳи ва ҳалқнинг иродади.

роф этилиб, келгуси чақириқ парламент ва маҳаллий давлат ҳокимиюти вакиллик органларига ҳамда президентликка бўлиб ўтадиган сайловларнинг аниқ кунини белгилаш тўғрисидаги муҳим қарорнинг қабул қилинганини жамда фуқароларининг мулкий ҳукуқларини таъминлашга қаратилганини ўзи мустақил ҳал қилиш ҳукуқида эга.

Бир сўз билан айтганда, конституциявий қонун қабул қилинганданоқ муҳим масалаларнинг ҳал этилишида ҳукуқий асос бўлди ва референдум натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши, янги қонунлар қабул қилиш ва амалдаги айrim қонунларга ўзгартиш киритиш даврини алоҳида қонун билан ҳукуқий жиҳатдан мувофиқлаштириб

ўтказиш муддатларини эълон қилиш тўғрисидаги Олий Мажлиснинг қабул қилган қарори конституциявий қонуннинг 3-моддаси талабларига тўла мос келади.

Хозирги кунда ҳам парламентга, маҳаллий давлат ҳокимиюти вакиллик органларига ёки президентликка сайлов ўтказиш кунлари Олий Мажлис томонидан эълон қилиб келинмоқда. Ҳалқаро тажриба шуни кўрсатадики, кўпчилик ривожланган мамлакатларда сайлов кунлари қонунларда аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, АҚШ Конституциясида президентликка сайлов ҳар тўрт йилда, президентнинг ваколати тугаётган йилнинг дебрабъ ойи иккичи чоршаниб қолди ва бу соҳада ижобий тажрибалар тўпланди.

Ҳалқимиз келажакда йил бошини янги парламент, янги маҳаллий давлат ҳокимиюти вакиллик органлари ёки янги дастурга эга бўлган Президент билан бошлади. Шунингдек, келгусидаги сайловларни тайинлашда қайси-дир органнинг бевосита аралашуви ёки эълон қилишига зарурят қолмайди. Сайловнинг бундай тартиб ва амалиёти ҳалқаро тажрибаларга ҳам мос келади. Бу ўз навбатида ҳалқимизнинг ҳукуқий дунёкараши, сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятининг юксалишига ҳам олиб боради.

Ҳар қайси давлат, ҳар қандай халқ ўз тақдирини, ўз келажагини ўзи мустақил ҳал қилиши ҳукуқига эга. Шундай экан, ҳалқимизнинг 2002 йил 27 январь куни референдумда мустақил равища қабул қилган қарорлари, унинг иродаси, орзу-умидлари қонунларда ўз аксини топа бошлади.

Референдум якунлари ва натижалари факат ҳалқнинг ўзига тегишли. Янги конституциявий қонун мустақил давлатимизнинг давлат ва жамият курилишини янада чукурлаштириш ва давлат ҳокимиюти органлари ишини янада тақомиллаштиришга қаратилган, ўзида демократик руҳдаги янги принциплар ва қоидаларни мужассамлаштирган, янги асрда миллий давлатчилигимиз асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган асосий қонун ва тарихий воеа бўлиб қолади.

**Бобокул ТОШЕВ,  
юридик фанлари номзоди**

## ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЯНГИ ҲУКУКИЙ АСОСИ

си конституциявий қонун нормаларига кўчади.

Учинчидан, янги конституциявий қонун ўзида референдум натижасидан келиб чиқиб, давлат ҳокимиюти органларининг ҳукуқий табиатини очиб берувчи асосий принципларини белгилаш орқали қонунчиликни тақомиллаштиришнинг аниқ йўналишларини қонун кучи билан мустаҳкамлайди.

Тўртингидан, янги конституциявий қонун икки палатали парламентнинг қандай бўлиши, уни шакллантириш принциплари, палаталар ваколати, қонунчилик жараёни, сайловлар ўтказиш тартиби каби кўплаб янги конституциявий нормаларни тасаввуримизга жойлади.

Олий Мажлис томонидан конституциявий қонунга асосан амалдаги парламентнинг ваколат муддати тўлиқ эъти-

тириш, энг асосийси, келгусида демократик мувозанатга асосланиши лозим бўлган давлат ҳокимиюти органларини ташкил этишнинг муҳим демократик, янги принципларини белгилаб берди.

Маълумки, референдум натижаларидан бири — бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгариришдан иборат бўлди. Конституциянинг Президент ваколат муддати билан боғлиқ нормасига муайян ўзгаририш киритиш унинг яна бир қанча моддаларини ҳам тегишли равища ўзгариришина тақозо қиласди. Ҳар қандай ривожланган давлат парламенти ҳам бундай мураккаб ва муҳим масалани қисқа муддатларда ҳал этиш имкониятига эга эмас.

Келгуси сайловларни

басидан сўнг келадиган биринчи душанба куни ўтказилиши белгиланган. Янги сайланган АҚШ президентининг ваколат муддати сайловдан кейин келаётган янги йилнинг 20 январидан бошланади.

Давлат ҳокимиюти вакиллик органларига ёки президентликка сайловлар ўтиш муддатларининг конституциявий қонунда қатъий норма сифатида белгиланиши ҳамда сайлов ўтказиш кунининг олдиндан эълон қилиниши ҳар жиҳатдан қулаги тутгидради. Хусусан, сиёсий партиялар ҳокимиюти учун курашар экан, албатта, уларнинг дикқат марказида сайловларда ютиб чиқиш, ўз азоларининг парламент ва маҳаллий давлат ҳокимиюти вакиллик органлари раҳбар лавозимларига сайланшишига эришиш туради ва шу боис

## АЪЛОЧИЛАР РАФБАТЛАНТИРИЛДИ

Асака шаҳар ҳокимлигига шаҳардаги академик лицеи, коллежлар, гимназия, мактаб-интернат ва умумтаълим мактабларининг аълочи ўқувчиларини аниқлаш, уларга янада яхшироқ шароит яратиш ва рағбатлантириш мақсадига аълочи ўқувчилар учун мукофот таъсис этилди. Махсус ҳайъатнинг текширувидан кейин уч босқич бўйича ғолиб бўлган ўқувчилар ҳокимлик мукофоти соҳиби бўладилар. Ушбу мукофот ҳар чорак ниҳоясида номзодлар ичидан аниқланиб, ғолибларга берилади.

Яқинда иккичи ўқув чорагига энг юқори натижага эришган ўқувчилар сараланиб, мукофот эталари аниқланди. Қарорга кўра 24-мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Азизбек Раҳмонов, шу мактаб-интернат 9-синф ўқувчиси Саъди Тешабоев, Асака академик лицейининг 3-босқич талабаси Бахтиёр Абдуллаев ва 9-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Алексия Ростовцоваларга ҳокимлик мукофоти топширилди.

**Иброҳимжон ТОШМАТОВ,  
Андижон вилояти Асака шаҳридаги  
24-мактаб-интернат ўқитувчisi**



"Ёшлика олган билим — тошга ўйилган нақш" нақлига амал қилиб, Юнусоғод туманидаги 43-болалар боғчасида кичкитойларга ҳозирданоқ бичиши-тиши сирлари ўргатиб борилмоқда.

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат**

**Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига багишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Конституцияни чукур ва ҳар томонлами ўрганишимиз, унинг маъносига етиб боришимиз ва амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз кераклиги ҳақида ҳамда Конституцияни болалар бошлаб ўргатиш лозимлиги тўғрисида таъкидлаган эди. 2001 йил 4 январда қабул қилинган Президент фармойиши бу муҳим тадбирларни амалга ошириш учун яна бир асос бўлди. Шу боис, Ҳалқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази ва "Ма'рифат" газетаси таҳририяти ҳамкорлигида мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимгача бўлган барча таълим тури тарбиячилари ва ўқитувчилари ўртасида "Сиз Конституцияни биласизми?" танловини ўтказишига қарор қилиб, 2001 йил ноябрдан бошлаб "Ма'рифат" газетаси саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига доир 100 та тест топширикларини чоп этди.**

**Тест топшириклари 30 январда тўлиқ (100 та) чоп этиб бўлинди. Танловга муштариylардан жуда кўп мактублар келди. Таҳририят мактубларни 2002 йил 28 февральгача қабул қилиди. Мактублар жами 168 та. Ушбу хатлардан 116 таси тўлиқ 100 та тестга жавоб берганлар. 52 та хатдаги жавоблар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли ҳисобга олинмади.**

Танловда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Коракалпогистон Республикаси вакиллари қуйидагича қатнашдилар:

1. Қашқадарё вилоятидан — 25 та жавоб
2. Қоқалпогистон Республикасидан — 20 та
3. Андикон вилоятидан — 18 та
4. Бухоро вилоятидан — 18 та
5. Хоразм вилоятидан — 18 та
6. Фарғона вилоятидан — 15 та
7. Сурхондарё вилоятидан — 10 та
8. Самарқанд вилоятидан — 10 та
9. Жиззах вилоятидан — 9 та
10. Навоий вилоятидан — 7 та
11. Сирдарё вилоятидан — 6 та
12. Наманган вилоятидан — 5 та
13. Тошкент шаҳри — 4 та
14. Тошкент вилоятидан — 3 та

Танловга таҳририят нафакат ижтимоий фан ўқитувчилари, балки инглиз тили, рус тили, информатика, математика, она тили, ҳарбий таълим, жисмоний тарбия, физика, география ва бошқа фан ўқитувчилари, шунингдек, мактаб, касб-хунар коллажлари, академик лицей директорлари, директор ўринbosарлари, кутубхоначилар, тўғарак раҳбарлари, меҳрибонлик уйлари тарбия-чилари, бошлангич синф ўқитувчилари, олий ўкув юртларида фаолият кўрсатаётган фан номзодлари, доцентлар ҳамда мактаб ўкувчилари ва олий ўкув юрт талабаларидан мактублар олди.

Куонарлиси шуки, юқоридаги танлов иштирокчилари тестларга жавоб бериш билан бирга Ҳалқ таълими вазирлиги, Давлат тест марказига ва "Ма'рифат" таҳририятига жуда катта миннатдорчилик билдиранлар. Бу миннатдорчиликларнинг мазмуну шундан иборатки, танлов иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига доир билимлари шу тестларга жавоб ахтариш жараёнида янада чу-

лишга, ўзларининг ҳақиқуқларини янада англаб олишга эришдилар. Биз ҳам "Сиз Конституцияни биласизми?" мавзуидаги тест саволларини чукурроқ ўтасида, кафедра ўқитувчилари ўтасида синовлар, танловлар ўтказдик".

Бундай сатрларни кўплаб келтириш мумкин. Фарғона вилояти Риштон туманиндан 6-мактаб ўқитувчиси Аҳмаджон Абдуллаев ўз мактубида шу танлов жараёнида жуда кўп нарсаларни билиб олганликларини ёзиб, "Мен газетанинг ҳар бир сонини интизор бўлиб кутар эдим. Қўлимга газета тегиши билан, дархол изланишга тушар эдим", — дейди. Шунингдек, Аҳмаджон — "қани энди шундай танловлар узлуксиз давом эта-верса", — деб тилак билдириб, танлов сабабли "Конституциям" номли шеър ҳам ёзиб йўлладилар:

Эй, давримизнинг гояси,  
халқлар гояси,  
Баҳт-икболга тўлиқ,  
йўқ ниҳояси  
Сен-ла ҳалқимизнинг  
сафи мустаҳкам,  
Сендаги Ватан меҳри

сўраб қоладилар.

Энди тест топширикларининг таҳлилига келадиган бўлсак, тест саволлари таҳлили қуйидаги натижаларни берди:

### 1. Жами 100 та саволга 1 киши тўғри жавоб йўллаған.

90 тадан 99 тагача саволга 57 нафар киши,  
80 тадан 89 тагача саволга 42 нафар киши,  
70 тадан 79 тагача саволга 8 нафар киши,  
60 тадан 69 тагача саволга 6 нафар киши,  
50 тадан 59 тагача саволга 2 нафар киши тўғри жавоб йўллаганлар.

### 2. Конституция мазмунидан келиб чиқиб, тестларни қуйидаги шаклга келтирдик:

1. Асосий принциплар.
2. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари
3. Жамият ва шахс.
4. Давлат ҳокимиютининг ташкил этилиши.

Ушбу шакл бўйича тест саволларига берилган жавобларнинг кўрсаткичи қуйидагича аниқланди:

турибди, яъни жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

12-Тест: Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларига қўйидагилардан қайси лар киради?

Жуда кўпчилик "В" жавобни, яъни митинг ва намойишлар ўтказиш, сўз эркинлиги деган жавобни тўғри деб белгилаганлар. Баҳоланки, сўз эркинлиги — бу шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар гурухи га киради. Сиздан эса, сиёсий ҳуқуқлар сўраляпти. Бундай "А" жавоб — тўғри.

17-тест: Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай давлат ҳокимиютини амалга оширади?

Бу тестга жавоб бериш учун муштариylардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасини ҳамда 98-моддасини билиши зарур эди. Кўпчилик тўғри жавоб деб, "С"-жавобни эмас, балки "В"-жавобни белгилаганлар. Ахир давлат ҳокимиютининг тизимида "бошқарув ҳокимиюти" йўқ-ку.

29-Тест: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг давлат органларини ташкил этиш ваколатлари қайси қаторда берилган?

Бу тестнинг ҳамма жавобларида Олий Мажлиснинг ваколатлари берилган, лекин тест топшириғида "Давлат органларини ташкил этиш ваколатлари" сўраляпти-ку.

Бунда "Е" жавоб эмас, балки "В" жавоб тўғри.

59-Тест: Ўзбекистон Республикасида демократия таянадиган умуминсоний принципларга мувофиқ, олий қадрият бўлиб нима ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра "Д" жавоб тўғри.

76-Тест: Қайси изоҳ Конституция муқаддимасида белгиланган Ўзбекистон ҳалқининг мақсадига мувофиқ келади?

Бу тестга жавоб бериш учун Конституция муқаддимасининг 8-бандини билиш кифоя.

77-Тест: Ўзбекистон Республикасида демократия қуйидагилардан қайси бирига асосланади?

Бу тестга тўғри жавоб Конституциянинг 13-моддасида берилган.

### 1. Асосий принциплар — 79 %

2. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари — 77 %

3. Жамият ва шахс — 64 %

4. Давлат ҳокимиютининг ташкил этилиши — 68 %

Танлов иштирокчилари жамоат бирлашмаларида доир тестларга, маҳаллий давлат ҳокимиютига доир тестларга эътиборсизлик оқибатида тўғри жавоб берилмаганлар.

4-тест: Референдумга қандай масалалар қўйилади?

Негадир кўпчилик "Е" жавобни белгилаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида бу тестга жавоб яққол кўриниб

### Тест саволларига берилган жавоблар асосида танлов қуйидагича якунланди:

1-ўрин — Бухоро вилояти Жондор тумани Навоий номидаги ширкат ҳўжалигидан 47-мактаб ўқитувчиси Шоназар ЖУМАЕВ.

2-ўрин — Бухоро вилояти Ромитон туманиндағи 12-мактаб ўқитувчиси Гулруҳ САЙДОВА.

3-ўрин — Сурхондарё вилояти Бандиҳон туманиндағи 2-мактаб ўқитувчиси Тожимурод МАМАТҚУЛОВ.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимининг вақти ва манзили мутасадди ташкилотлар орқали ғолибларга маълум қилинади.

**Бугун "Меҳмонхона" мизда эл назарига тушган бастакор Аваз МАНСУРОВ меҳмон. У киши ҳозирги вақтда Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўкув ишлари бўйича ректор мувонини, Бастакорлар уюшмаси раисининг мувонини. Шунингдек, бастакор умумтаълим мактабларининг 5–6-синфлари учун яратилган "Мусика" дарслкларида ҳаммуаллифидир.**

**— Мусика санъати — тарбияловчи омил. У инсоннинг руҳий оламини бойитиш билан бирга чарчоқларини, дилидаги чигилларни ёзди. Мусиканинг пайдо бўлиш тархи қайси даврларга бориб тақалади?**

— Мусика, ҳақиқатан ҳам, катта таъсир кучига эга бўлган санъат туридир. Ижодкорлар илохий бир конуният асосида товушлар воситаси билан бадий образлар яратадиларки, инсон ички дунёси, түғёнлари тугал, мукаммал асарларда музассам бўлади, унинг руҳий холати тинглаш жараёнида оҳанглар огушида забт этилади. Шу боис мусика ва унинг кучи инсониятни, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда мухим аҳамиятга эга эканлигини тан олмай иложимиз йўқ.

Кундалик ҳаётимизда мусика, Сиз таъкидлаганингиздек, чарчаганда чарчоқни чиқарадиган, сиқилганди дилларнинг чигилини ёзадиган шерик бўла олади. 5-6 йил муқаддам республика журнallariдан бирида мусика санъати ҳақида мақола ёзган эдим. Шу мақоладан қўйидаги жумлаларни келтирсам: "...Мусика инсонни сеҳрлайди, зэгуликка, меҳр-шафқатга, муҳаббатга, ширин орзулагра ундаиди, ёмон йўлдан қайтаради, ўйлатади, йиглатади, кулдиди ради";

"...Мусика инсон ҳаётига кўмакдош, ҳамроҳ"; "...Мусикани ёруғликка, ёниб турган чироқларга ўхшатиши жоиз".

Мусиканинг пайдо бўлиши қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Инсон онгли, ақлли мавжудот сифатида шакланиб, ўзаро муносабатлар, мумалалар тиклана борган сари, хузур баҳш этувчи усувлар, товушларни кашф эта бошлаган. Энг қадим аждодларимиз асосан овчилик билан машғул бўлганликлари боис, биринчи мусика на муналари ҳам шундай услубда яратилган. Бу ҳақда узоқ гапириб, бир-бирига узвий боғлиқ ҳодисалардан кўплаб мисол келтириш мумкин...

**— Бастакорлик касбining мешақатлари ҳақида нима дея оласиз?**

— "Бастакорлик — бу дам олиш куни бўлмайдиган касб..." деб номланган мақолани талабалик йилларимда ўқиб, унчалик тушуммаган эканман. Униб-усиб, бу касб ҳаётим мазмунига айланганидан сўнг ўша мақоладаги фикрлар нақадар тўғри эканлигига ишонч хосил қилдим. Ростини айтсан, кейинги чорак аср давомида қачон дам олганимни билмайман...

Бир улуғ инсон менга: "Ука, мешақатларинг асанинг ижро этилиб, олқишиларга сазовор бўлиб, саҳнага чиқиб бир марта таъзим килганингда чиқиб кетади",

деб айтган эди. Шу гапни тўла маънода тасдиқлайман.

**— "До-ре-ми-фа-солъля-си..." Бу нотадаги паст-баланд пардалардир. Улар аслида ким томонидан ўйлаб топилган ва нималарни англатади?**

— Мусиканинг бугунги кунда кенг тарқалган белгиси — ноталарни, уларнинг номларини буюк аллома Пифагор ўйлаб топган экан. Кадимда нота ёзувлари ҳарфий бўлиб, ўта мураккаб ҳисобланган. Нота ёзув шакллари турли ҳалқларда ва турли вақтлarda турлича бўлган. Она заминимизда ҳам алломалар мусикий товушларни беглишади бўйича кўплаб изланишлар олиб боргандар, мусика илмида трактатлар яратишган.

— Сиз республикамизнинг таникли бастакорларидан биридан биридан. Шу вақтга қадар яратган асарларингиз қанча?

## Меҳмонхона



нандаю гуруҳлар кўпайиб кетаётгани ҳам яхши, фақат уларни юракни кенг қилиб тинглаш, саралаш зарур. Инсонлар ҳамиша орзухавас билан яшайди, "Бир кўшик айтиб саҳнага чиқсан эди", деган орзу билан яшётган ўшлар жуда кўп. Яқинда "Ўзбекнаво" концерт бирлашмаси қошида ташкил қилинган лицензия берувчи гуруҳ аъзоси сифатида айтишим мумкинки, яқин давр ичida уларнинг сараги-саррака, пучаги-пучакка ажralади. Тахминан 500 дан зиёд бадий жамоалар, якхон хонандалар, театр ва бошка

рини англаб етишлари учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Сиз санаб ўтган буюк сиймолар ва улар каби дунёни ларзага соглан даҳо ижодкорлар кўп бўлган. "Кўпчилик уларни тушумайди..." деб таъкидлаш унчалик тўғри эмас. "Тушениши хоҳламайди ёки умр бўйи кунлик тирикчилигини ўйлаб, инсонларни зэгуликка, меҳр-шафқатга ундовчи омил — мусика билан ошно бўлишни хоҳламайдиганлар бор", деб айтсан, ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Ҳисб келаётган авлод учун эса жамики шароитлар мұхайё. Уларнинг баркамоллиги йўлида ишлаб чиқилган давлат дастурлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мақсад, мамлакат ривожи учун ҳисса қўша оладиган билимли, соглом фарзандларни улгайтиришдан иборат.

— Аваз Мансуров мактаб ийларида қандай ўкувчи бўлган?

— Хозирги ўкувчилар қандай бўлса, мен ҳам шундай эдим. Устозларимизни ҳеч қачон ноҳақ ҳисоблашадик. Мен ҳам, барчак синдошларим ҳам, мана ийлар ўтиб кам бўлмадик.

кониятлари етарли, деб ўйлайсизми?

— Таълимдаги ислоҳотлар мусика соҳасига ҳам тегишили. Юртимиздаги мусика мактабларининг сони кам эмас. Республика Маданият ишлари вазирлиги тасаруфида иккита маҳсус мусика мактаб-интернатлари, 300 дан зиёд мусика ва санъат мактаблари, 21 та техникум ва коллежлар фолиият кўрсатаяпти. Бундай масканларга санъатни дилдан севувчи, келажагига умид қисла бўладиган ўшлар қабул қилинади.

— Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган Фармонларига биноан, Тошкент консерваторияси — "Ўзбекистон Давлат консерваторияси" деб атала бошланди. Ҳозирги кунда тайёрланада ётказиб даражаси Сизни қониқтирадими?

— Ўзбекистон мустақиллиги йилларида консерваториямизни 1000 дан зиёд ўшлар битириб чиқишиди. Улар Маданият ишлари вазирлиги тизимида мусика таълим муассасаларида, бадий жамоаларда, театр ва оркестрларда яхши яхши хизмат қилишяпти. Ҳозирда таълим бакалавриат ва магистратура босқичларида олиб борилмоқда.

— Устозлардаги қайси хислатлар Сизга ардокли?

— Бағрикенглик...  
 — Ўзингизни устоз санъаткор деб ҳисоблайсизми?

— Умумий меҳнат стажим билан нафакага чиқсан ҳам бўлади, лекин консерваторияда 1983 йилдан бери дарс бераман. Факультет декани, кафедра мудири бўлиб ишлаган ийларимда кўплаб кадрлар тайёрланишига озми-кўпми ҳисса кўшдим. Ўз касбим бастакорлик, бу соҳа бўйича саноқли кадрлар етиширилади. Ҳозирда бастакорлик мутахассислигидан 4 нафар талабага дарс бераман. Бакалавриат, магистратура ва аспирантурани битириб кетган шогирдларим ҳам талайгина. Лекин менинг бир этиқодим бор: устозларнинг "Фалончилар менинг шогирдим" дейишларини ҳазм қилолмайман. Бу камтарлиг эмас, мактандоқликдир. Агар шогирдлар "устозим фалончи" деб айтса, бу устознинг устоз сифатида тан олингани бўлади. Мени устоз сифатида тақор-такор тилга оладиган шогирдларим билан ҳақли равишда фахрланаман. Булар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, консерватория ўқитувчиси Ойдин Абдуллаева, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзолари, консерватория ўқитувчилари — Хуршида Ҳасанова, Ҳушнуд Назаров, Дилшод Курбонов, ўш бастакорлик соҳаси бўйича Ўзбекистоннинг биринчи магистриларидир.

— Муҳлисларингизга, "Маърифат" муштарилигарида тилакларингиз!

— Соғдил, зэгуликка ошно инсонларга энг яхши тилакларимни улашишга ҳамиша тайёрман.

**Аваз МАНСУРОВ:**

## МУСИКА ТАРБИЯДА МУХИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

— Ўзбекларда "Санасанг баракаси учади", деган нақл бор. Мусика санъатининг барча жанрларида асарлар яратганиман. Энг йирик жанр ҳисобланмиш — операдан тортиб, энг кичиги бўлмиш кўйлару қўшиқларимгача бор. Мақтаниш бўлмасин, саноғидан адашиб кетганимга анча бўлди...

— Куй ва шеър матнини омухталаштириб, бир асар яратишида нимани бирламчи деб ҳисоблайсиз?

— Мусика санъатида шеърий матн билан боғлиқ бир неча жанрлар бор. Улар опера, оратория, кантата, вокал-симфоник поэма, романси, қўшиқ кабилардир. Бундай асарларни яратишга шеърий матн асос бўлади, албатта. Тажриба кўрсатадики, шоир ва бастакор биргаликда ишласа, агар ижрочи ҳам ижодий жараёнда иштироқ этса, асар йирик бўладими, кичик бўладими мукаммал яратилиши мумкин. Ҳазил қилиб айтадиган бўлсан, шоирлар матн бирламчи дейишади, биз бастакорлар эса мусикани бирламчи деяверамиз. Лекин ҳамма гап яхши асарда...

— Ҳозир юртимизда эстрада хонандалари ва гурухлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетди, бир томондан бу яхшидир, лекин уларнинг ҳаммасини ҳам ҳалқимиз қабул килаётгани йўқ. Бу фикрга Сиз қарши эмасмиз?

— Тинч-тотув юртингигина на халқи қўшиқ айтади, рақсга тушади. Акс ҳолда ҳеч нарса юракка сифмайди. Но-

студияларнинг рейтинг даржаси аниқланипти. Уларнинг қайси бири республика ва мамлакатимиздан ташқаридаги концерт гастролларига, қайси бири мамлакат миқёсидаги байрам тадбирларига, қайси бири тўй ва юбилейларда хизмат қилишлари мумкинлиги ўрганиб чиқилмоқда.

— Мумтоз мусика ва қўшиқчилик санъати ўлмас меросимиз ҳисобланади. Назаримда, мақом йўналишидаги ҳофизларимизнинг ёши анча улуглаши. Орифхон Ҳотамов, Берта Давидова, Нельматжон Қулабдулаев, Муножот Йўлчиева... Ёшлар эса фақат эстрадага ўзларини уришяпти. Бу кетишида мақом санъати жар ёқасига бориб қолмасмикан?

— Ҳеч қачон бундай бўлмайди! Ўзбекистон Давлат консерваториясида аньанавий ижрочилик ва хонандаликни асраб-авайлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган, бу соҳага хукуматимиз томонидан ҳам астойдид эътибор берилмоқда. Мақом йўлида ижро этиб юрган ёшларнинг борлигига ишонаман. У ижроидан жуда катта куч, маҳорат ва укув талаб қилгани боис бунга ҳамма ҳам журъат этавермайди.

— Сир эмаски, кўпчилик Моцарт, Чайковский, Бах, Бетховен каби бастакорлар яратган асарларни тушунмайди. Ҳисб келаётган авлод бу ўлмас сиймоларнинг ижод намунала-

Аниқ бир касбу корларни тутдик, ҳаётдан ўз ўрнимизни топдик.

Кўқон шаҳридаги 18-урта мактабни доимо соғинч ҳисси билан эслайман. Шўхина бола эдим, шоиртабиатлигим ҳам йўқ эмасди. Мусика тинглашни яхши кўрардим. Қаердали, байрам тадбири бўлса, оёғимни қўлимга олиб юргардим. Дарслардан қочиб, муаллимларнинг даккидномарини эшитган пайтларим ҳам бўлган. Боланинг бўладигани бошидан маълум, бўлмайдиганинг устидан олтину зар сочинг-да бефойда.

Кейинчалик шаҳардаги 1-мусика мактабига серқатнов бўлиб қолдим. Бу ерда турли мусика асбобларидан бир-бира га ўхшамаган оҳанглар таралар, камина эса чангда анча-мунча кўйлар чалишни ўрганиб олгандим. Менга мусика асбобларини бари ёқарди, барини ўзлаштириб олгим келарди. Бу ерда менга қалб қўри билан ўз ўрнимизни топдик. Ҳозирда бастакорлик мутахассислигидан 4 нафар талабага дарс бераман. Булар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, консерватория ўқитувчиси Ойдин Абдуллаева, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзолари, консерватория ўқитувчилари — Хуршида Ҳасанова, Ҳушнуд Назаров, Дилшод Курбонов, ўш бастакорлик соҳаси бўйича Ўзбекистоннинг биринчи магистриларидир.

— Ҳозир биласизки, таълимда ислоҳотлар кетаётпти. Бу мусика таълими соҳасидаги қандай амалга оширилаяпти? Дарслек ва ўқув кўлланмаларининг яратилиш жараёни Сизни қониқтирадими? Мамлакатимиздаги шу соҳа билан ўртлари миллий дастур талабларидаги кадрларни тайёрлашга қодир ва им-

# КЎЗГУДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қашқадарё вилоятидан 2001 йилда 16259 абитуриентдан ариза тушган бўлса, улардан 154 таси давлат гранти бўйича ўқишига қабул қилиниб, ўз мақсадига эришган.

Вилоят 1999 йилда тест имтиҳонида 36,48% самара-дорлик билан 7-йирни ва 2001 йилда 32,82% билан 5 ўринни эгаллаган. 2001 йил тест натижаларининг таҳлили шуни кўрсатади, вилоята 6 фандан ўсиш (ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, биология, кимё, география) ва 2 фандан (тарих, инглиз тили) камайиш содир бўлган. Барча фанлар бўйича аниқ маълумот кўйида келтирилган.

## (Ўзбек гурухлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самара-дорлик	Ўрин	Самара-дорлик	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	28,61	7	27,28	6
Математика	37,74	4	38,92	2
Физика	29,80	4	30,77	2
Биология	34,70	8	36,66	4
Кимё	33,31	7	32,61	4
Тарих	33,67	2	32,49	3
География	36,30	14	36,12	12
Инглиз тили	35,54	6	35,58	8
Немис тили	29,31	5	28,08	5
Француз тили	29,94	8	29,72	8

Рус гурухларида 5 фандан (рус тили ва адабиёти, математика, физика, биология, немис тили) ўсиш 2 фандан (тарих, инглиз тили) пасайиш кузатилган. Инглиз тили бўйича вилоят 6-йирнан 10-йирнга тушиб кетган. Тўлиқ маълумот кўйида келтирилган.

## (Рус гурухлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самара-дорлик	Ўрин	Самара-дорлик	Ўрин
Рус тили ва адабиёти	35,42	14	38,51	11
Математика	32,74	14	36,51	8
Физика	26,69	13	26,59	12
Биология	45,34	6	47,44	3
Кимё	42,09	3	39,58	3
Тарих	34,03	10	33,20	11
Инглиз тили	47,01	6	45,32	10
Немис тили	32,51	6	34,09	5
Француз тили	25,40	12	25,40	12

Вилоятнинг туманлари бўйича ҳам абитуриентларнинг тестдаги жавоблар самарадорлиги ўрганилган. Бунда Баҳористон, Фузор, Китоб туманлари бироз юкори кўрсаткичга эришган бўлса, Дехқонбод, Косон, Нишон туманлари паст натижага эришган. Барча туманлар бўйича аниқ маълумот кўйида келтирилган.

## (Олий ўкув юртлари кундузги, ўзбек гурухлари)

T.р	Туман, шаҳар	Самара-дорлик	Республика тутган ўрни
1.	Баҳористон тумани	35,41	26
2.	Фузор тумани	35,2	31
3.	Китоб тумани	34,91	33
4.	Муборак тумани	33,69	49
5.	Шахрисабз тумани	33,36	57
6.	Яккабоғ тумани	32,84	74
7.	Қарши шаҳри	32,52	87
8.	Ўсмон Юсупов тумани	32,43	90
9.	Қарши тумани	31,64	115
10.	Чирокчи тумани	31,35	128
11.	Касби тумани	31,15	134
12.	Қамаши тумани	30,88	147
13.	Дехқонбод тумани	30,58	154
14.	Косон тумани	30,46	159
15.	Нишон тумани	29,91	176

Вилоят абитуриентларнинг тестда тўплаган баллари бўйича натижалар ўрганилди. Чунки унга мақлабдаги таълимнинг сифатини, абитуриентларнинг тест имтиҳонига тайёрланниша ва бошқа педагогик омилларнинг натижаси ҳисобланади. Вилоят бўйича 8300 абитуриент тест имтиҳонида 0% дан 30% гача тест топширикларини еча олган. 5132 абитуриент 40% дан 100% гача тестга тўғри жавоб берган. Кўриниб турибдик, тестга пухта тайёрланган абитуриентларга нисбатан бўш тайёрланганлар сони кўпроқ.

Таълим йўналишлари бўйича абитуриентларнинг сони таълил этилганда вилоятда математика ва техникага қизиқиш кучайғанилиги маълум бўлган.

Вилоятнинг тест имтиҳонида энг юкори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари республиканинг энг илғор шаҳар ва туманлари таққослаб ўрганилди. Қашқадарёнинг Баҳористон тумани физикадан ва Ўсмон Юсупов тумани кимёдан энг юкори кўрсаткичга эришган. Лекин бошқа туманлар илғорлардан 4% дан 10% гача орқада колган. Вилоят бўйича аниқ маълумот кўйида келтирилади.

Вилоят абитуриентларининг тестда тўплаган баллафи бўйича натижалар ўзинилди.  
Чунки унга мақлабдаги таълимнинг сифатини, абитуриентларини тест имтиҳонни тайёрланниша ва бошқа педагоғик омилларнинг натижаси ҳисобланади.

## (Ўзбек гурухлари)

Фан	Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
	Туман ёки шаҳар	Катнашган	Самарадорлик	Вилоят	Туман ёки шаҳар	Катнашган	Самарадорлик	
Она тили ва адабиёти	Китоб тумани	1443	28,82	Бухоро вилояти	Тўкимачилик тумани	284	33,26	
Математика	Муборак тумани	81	45,61	Самарқанд вилояти	Богишамол тумани	356	50,98	
Физика	Баҳористон тумани	16	47,57	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57	
Биология	Китоб тумани	457	41,73	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97	
Кимё	У.Юсупов тумани	81	42,32	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32	
Тарих	Китоб тумани	481	36,22	Андижон вилояти	Шаҳриҳон шаҳри	17	48,53	
География	Фузор тумани	21	49,07	Тошкент шаҳри	С.Рахимов тумани	17	57,10	
Инглиз тили	Қарши шаҳри	575	41,87	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	47	53,13	
Немис тили	Қарши тумани	103	33,17	Самарқанд вилояти	Богишамол тумани	50	44,17	
Француз тили	Фузор тумани	26	38,03	Бухоро вилояти	Ромитан тумани	54	46,60	

Вилоятнинг тест имтиҳонида энг паст кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари ўрганилди. Вилоятнинг Нишон тумани 20,44% самарадорлик билан республика дэни энг паст кўрсаткичга эришган туман эканлиги маълум бўлди. Вилоятнинг паст кўрсаткичларни туманлари рес-

2. Жаҳон иқтисодиети ва дипломатия университети	Қарши тумани	12	4,8	214
3. Ўзбекистон миллий университети	Китоб тумани	2	4,6	211,5
4. Ўзбекистон миллий университети	Китоб тумани	2	4,8	210,5
5. Тошкент давлат техника университети	Қамаши тумани	1	5	209,7
6. Ўзбекистон давлат таълими университети	Қарши шаҳри	9	5	208,5
7. Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Шахрисабз	3	5	206,6
8. Ўзбекистон давлат иқтисодиёт университети	Яккабоғ тумани	2	4,6	206,2
9. Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Қамаши тумани	3	4,8	204,1
10. Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Яккабоғ тумани	16	4,5	203,1
11. Тошкент Ислом университети	Қарши шаҳри	15	4,9	201,9
12. Ўзбекистон миллий университети	Қарши тумани	44	5	201,9
13. Қарши давлат университети	Шахрисабз	88	4,1	201,8

Аттестат бўйича ўртacha баҳоси "4" дан юкори бўлган абитуриентларнинг маълум қисми тестда жуда паст натижага эришган. Баҳо юйишдаги эътиборсизлик, дарс ўқитиши сифатининг пастлиги, абитуриентларнинг касб танлаш ва тестга тайёрланишдаги хато ва камчиликлари шундай оқибатга олиб келгандир. Кўйида шундай абитуриентларнинг маълум қисми ҳақидаги маълумот келтирилган.

## (Салбий ҳол)

T.р	Тестда қатнашган ўкув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртacha баҳоси	Тестда олган бали


<tbl\_r cells="6" ix="

# ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ҚАНДАЙ ЎҚИТИШ КЕРАК?

Таълим муассасалари ҳамиша мураккаб жараённи бошдан кечиради. Чунки шахснинг камолотга эришуви, унинг ҳаётдан ҳавас киларли даражада ўз ўрнини топа билиши ана шу жараённинг нақадар тўғри ва оқилона олиб борилишига чамбарчас боғлик.

Мамлакатимизда бу мақсадни рўёбга чиқариш мақсадида нима-ки қилинаётган бўлса, кўллаб-куватлашга арзиди. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 29 майда қабул қилинган “Ўкув дастурлари, дарслер ва ўкув кўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссиясини тузиш тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай саъи-ҳаракатлардан бириди.

“Диннинг ижтимоий ҳодиса эканлиги барчамизга маълум. Биласизки, мустабид тузум даврида дин ҳақида бир ёқлама қараш мавжуд эди. Биз динни на мактаб ва на олий ўкув юртларида ўқита олардик. Бунинг ўрнига “Илмий атеизм” курси мавжуд эди.

Эндилиқда эса динга муносабат, у ҳақдаги эски тушунчалар ўзгарди. Мамлакатимизда “Виж-дон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун амалда. Фуқаролар ўз эътиқодларини ўзлари эркин белгилайдиган

лат маслаҳатчиси Зухриддин Хусниндиновнинг гапларидан келтирдик. Файласуфлар миллӣ жамиятининг раиси Қиёмиддин Назаров таъкидлади, диншинослик бўйича яратилган ўкув ва методик адабиётларда дунёдаги мавжуд динлар тарихидан тўлаконли маълумотлар берилса-да, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни таҳлил этилмаган. Бугунги дунёнинг диний мағкураси қандай? Жаҳон миқёсида қандай ва қанча секта ёки оқимларининг фаолият юритаётганини, уларнинг мақсад-муддаолари бўлиши.

Тошкент Ислом университетида 2776 нафар кишининг диншинослик бўйича малака оширганини, улар орасида ўқитувчилар ва мураббийларнинг кўпчиликни ташкил қўлганини алоҳида таъкид-ламоқчиман.”

Бу фикрларни Тошкент Ислом университетидаги семинарни очиб берган Президентнинг Дав-

нумадан иборат эканлиги ҳам бизнинг манбаларимизда акс этган, деб айта олмаймиз. Ваҳоланки, булар ҳақида ўкувчи ёки талаба анчамунча хабардор бўлиши керак. Биргина Ўзбекистонда ҳам турли диний эътиқоддаги фуқаролар яшашади. Лекин биз кўпинча исломдини ҳақида гапириш билан кифояланамиз.

Ислом университетидаги илмий-амалий семинарда таълим мактабида тархиялашни бўлди. Олий ўкув юртларида маҳсус “Диншинослик” курсининг жорий қилинishi ҳам таълим тизимида ўз аҳамиятига эга ўзгаришлардан бўлди.

Тошкент Ислом университетида 2776 нафар кишининг диншинослик бўйича малака оширганини, улар орасида ўқитувчилар ва мураббийларнинг кўпчиликни ташкил қўлганини алоҳида таъкид-ламоқчиман.”

Бу фикрларни Тошкент Ислом университетидаги семинарни очиб берган Президентнинг Дав-

нидаги таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича узвийликни таъминловчи ўкув дастурлари асосида дарслер ва ўкув кўлланмаларининг янги авлодин яратишнинг долзарб масалалари” маъзусида бўлиб ўтган ўкув методик семинарда Олий ва ўта маҳсус таълим вазирлигининг маъсул вакиллари, етакчи мутахасис ва олимлар иштирок этилди.

“Ўзбекистон тарихи” фанидан яратиладиган янги авлод дарслер ва ўкув кўлланмаларига кўйилади-

## Dolzarb mavzu

### ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ “ЭГИЗАК”

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида бўлиб ўтган семинар педагогика ва психология фанларига доир дарслер ҳамда ўкув кўлланмаларининг яратилиши ёки улардан фойдаланиши жараёнига багишланди.

Хозирга қадар педагогика ўналишида 5 та дарслер, ўкув кўлланмаси, психологиядан эса 1 та дарслер яратилган. Лекин булар етарили эмас.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори, психология фанлари доктори, профессор Файрат Шоумаров педагогика ва психология фанлари олдига кўйиладиган замонавий талаблар, ТДПУ умумпедагогика кафедраси мудири М.Тўхтахўжаева “Педагогика фани таймилларини дарслерларда жорий этиши” маъзусида чиқиши қилишиб, семинарга келган педагог олимлар, етук мутахассислар, услугбиятчиларга зарурий маълумот ва маслаҳатлар бериши.

Бундан бўён педагогика ва психология ўналишидаги услубий семинарларни вақти-вақти билан ўтказиб туршига қатъий келишиб олинди.

## Tanlov

даниян ишлари вазирлигининг дипломлари, фахрий ёрлик ва қиммат баҳо совғалари берилди. Бундан ташкари, Республика Давлат болалар кутубхонаси, Республика илмий-педагогика кутубхонаси ҳам фахрий ёрлик, совғалар ва энг муҳими, кўплаб китоблар билан доноларни тақдирлашди.

Тадбир нийҳосида биз энг яхши

Ўзбекистон Миллий университетида “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича узвийликни таъминловчи ўкув дастурлари асосида дарслер ва ўкув кўлланмаларининг янги авлодин яратишнинг долзарб масалалари” маъзусида бўлиб ўтган ўкув методик семинарда Олий ва ўта маҳсус таълим вазирлигининг маъсул вакиллари, етакчи мутахасис се-

анс ва олимлар иштирок этилди.

Тарих, фалсафа, социология...

бўйича луғатлар тузиш, фанлараро алоқадорликни ҳамда узвийликни таъминлаш каби масалалар ҳам четда колмади.

Бундан тақшари рус тилида таълим олувчилик учун мўлжалланган, истиқлол гоясими ўзида акс этирувчи рус тилида чоп этилган адабиётлар жуда кам. Шу боис ҳам дарслер ва ўкув кўлланмаларини бевосита рус тилига таржима килиш таклифлари семинарда айтиб ўтиди.

Ижтимоий-гуманитар йўналиш...

ган талаб ва тавсиялар”, “Миллий истиқлол гоясими ижтимоий фанлар дастури ва ўкув адабиётларига сингдириш”, “Ноюридик мутахассислар учун ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш фанларидан янги авлод дарслер ва ўкув кўлланмаларини яратиш” хусусидаги маърузалар иғтиғланларни таъмилини таъминлашади: маънавий ва жисмоний соглом шахс камол топиши керак. Фақат шундай шахсигина ҳамият истиқболини кўра билади ва ундан ўз ўрнини тўғри белгилай олади.

Олий ўкув юртларида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарлар ҳам ўйлаймизки, ўзининг кутилган натижасини беради.

Хулкар ТЎЙМАНОВА,  
Фаррух БЎТАЕВ,  
“Ma'rifat” мухбирлари

## МЎЊЖИЗАЛАР МЎЊЖИЗАСИН АРАДОҚЛАГАНАЛАР

ёхуд китоблар орқали дунёни таниётганлар

йўналишда шијоат кўрсатган Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳри ўкувчилари сараларнинг сараси деб топилди. Иккичи ўринни корақалпоғистонлик, буҳоролиқ ва фарғоналиқ иқтидорлilar эгаллашди. Хоразм вилоятининг “Авесто”, Қашқадарё вилоятининг “Зиё”, Андикон вилоятининг “Ёш” китобсевар” гурухлари эса 3-ўринга муносаби деб топилди. Голиб жамоалар ва барча иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси ХТВ ва Ма-



кўргандай бўлдик.

Шундай самимий гапларга Урганч шаҳридаги 13-умумтаълим мактабидан келган ўкувчиларнинг устози Мариямхон Жабборова ҳам кўшилади:

— Китобсеварлар шу китобнинг орқасидан қанчадан-канча дўстлар ортириши. Иккича кун мобайнида Темурйлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, Хотира ва қадрлаш майдонига саёҳатлар, таникли адиблар билан

учрашув ва ўлмас китоблар қолдирган бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкални пойига гулчамбар кўйиладиган фанларига ўқувчиларни бир-бирларига яқинлаштириди.

Аҳамияти улкан бу тадбирни ХТВ маънавий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тоира Султонова шундай фикрлар билан якунлади:

— Китоб халқнинг бебаҳо гавҳари. Сизларнинг ҳеч бирингиз мағлуб эмассиз. Чунки ўқибукларнинг ўзингизга шу орқали топадиган фойдангиз жамиятимиз манбаатларига хизмат килади. Ўйлайманки, ушбу кўриктанлов мамлакатимизнинг чекка ўлкаларидағи истеъодларни аниқлайдиган бир восита бўлди. Демакки, “китобсеварлар” танловининг доимий ўтказилиши, баркамол авлодни тарбиялашдиган жараёнидан яхши.

Ўйлаймизки, бу каби мутолаа-га, билимдонликка оид тадбирлар китобга ҳурматсизлик, бекорчиллик каби иллатларнинг томири кесиларди. Шундагина, матбуотимиз саҳифаларини “Ўқишига қизиқиш сусайғанми?”, “Талаба бадиий китоб ўқийдими?”, “Ўқувчи китоб ўқимайди (ми?)” каби мақолалар банд қилмас эди.

Насиба ЭРХОНОВА,  
“Ma'rifat” мухбира

# АСА НУРДАН УЧҚУН ОЛАР МАШАЛА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Шу ўринда машъаланинг рамзий ифодаси хусусида сўз юритсан.

Машъаланинг дастаги ёнғоқ дараҳтидан ишланган бўлиб, бу теран тарихизига, ҳалқимизнинг мустаҳкам иймон ва иродасига, унинг ақл-заковат уммонига ҳамда мустақиллигимизнинг бокийлигига ишора бўлиб, соғлом ҳаётимиз белгисини билдиради. Дастак юқори қисмининг лола шаклида ишланганлиги янгиланиш, яшариш, навқиронлик ва ёшлик рамзларининг ифодасидир. Оқ пўлатдан тайёрланган тож қисми миллий бойлигимиз бўлмиш пахта кўринишидаги орнаментлар билан безатилган.

Ундаги кўрғонлар элементи эса, Ватанимиз сарҳадлари мустаҳкамигини, ҳалқимизнинг яқдиллиги ва ҳамжиҳатлигини англатади. Машъаланинг юқори қисми сариқ металдан ясалган янги ой, тонг юлдузлари ҳамда миллий гумбаз шакллари акс эттирилган тож билан якунланган бўлиб, бу юртимиздаги осойишталик, осуда ҳаётимиз ва фаровон турмушимизнинг ёркин ифодасидир.

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг машъаласи ва

Бир тасаввур қилинг... Мамлакатимизнинг оддий бир қишлоғи. Ушбу қишлоқдаги оддий мактаб. Ана шу мактабда болалик ва ўспиринлик даврини ўтказаётган беѓубор қишлоқ ўкувчилари... Лекин бугун бу қишлоқдаги катта тантана. Кўчалари ободонлаштирилган, дараҳтлар оқланиб, йўл чеккаларига гуллар экилган, қишлоқнинг бosh кўчасида эса — байрамона шиорлару митти байроқчалар ҳилпираб турибди. Унинг ахли бугун унтилмас воқеанинг гувоҳи бўлиш арафасида... Дарҳақиқат, гарчи катта йўл ёқасига жойлашган бўлишига қарамай, бу қишлоқда сўнгти пайтда мамлакат миқёсидағи бирон-бир тадбирнинг бўлиб ўтганини ҳеч ким эслай олмайди...

Энди эса диёримизнинг оловқалб ёшлари күёшнинг заррин нурлари ила ёқилган машъалани қишлоқ кўчаси бўйлаб олиб ўтишади. Зоро, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари машъаласи уни олиб ўтган ҳар бир ёш йигит-қизларимиз ҳаётидаги бир умрлик унтилмас воқеа бўлиб қолади. Машъаладаги ёшлиқ, шижоат, мардлик, жасорат, заковат нурлари эса ҳар бир юртдошимизнинг дилларини ёритиб, қалбларини ҳаволантириши шубҳасизdir.

олов саклаш курилмасининг ёл-қинланиб турувчи алангаси Президентимизнинг шу азиз Ватан учун ёниб яшайлик, деган даъватларидан руҳланган оловқалб ёшларнинг доимо ҳозиржавоб бўлишлари рамзидир.

— Кўёш нуридан олинган олов Фарғонагача бўлган ма-софани қандай босиб ўтади?

— “Физика-Кўёш” иммий ишлаб чиқариш мәрказида юқори технология асосида ҳосил қилинган алана бир вактнинг ўзида мусобақалар машъаласи ҳамда олов саклаш курилмасига олиниади. Кўлдан-кўлга кўчувчи машъалада оловнинг ўчиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида у маҳсус тайёрланган оловданда сакланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олов саклаш курилмаси ҳам мустақиллик разлари ҳамда юртимизнинг тинч, осуда ва фаровон ҳаётини акс этти-

рувчи миллий тароват руҳи йўғрилган меъморий ёдгорлик тарзида тайёрланган.

Миллий минора — маёқ шаклида ишланган мазкур курилма саккиз қиррали мусаммаънинг устига жойлаштирилган. Курилманинг мамлакатимиз миллий мустақиллигини ифода этувчи рамзлар жойлашган қисми Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, Ўзбекистон Республикасининг давлат герби билан безатилган бўлиб, унинг устки томони мовий гумбаз билан беркитилган. Бу эса узок тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз бокийлигидан да-лолатdir.

Умуман олганда, “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари туманинг машъаласи ва олов саклаш курилмаси ёшларимизни давлат суворенитети гояларига со-диклик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг жисмонан соғлом бўлишларида илмли, шу билан бирга иймон-эътиқодлари бутун ва маърифатпарвар инсон бўлиб вояга етишишларида асосий омил бўлиб хизмат қилувчи рамзий маъноларни ўзида тўла мужас-



сам этган.

— Маълумки, мутахассислар томонидан “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари машъаласини олиб бориш ҳаритаси ҳам ишлаб чиқи-лан бўлиб, унда пиёда ҳамда автоулов эстафеталарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу хусусда қандай маълумотлар бера оласиз?

— Дарҳақиқат, Тошкент вилоятининг Паркент тумонидан Фарғона шаҳрига бўлган масофа-нинг ҳаритасини ишлаб чиқишида республика ташкилий кўми-та аъзолари билан ҳамкорлика бизнинг мутахассисларимиз ҳам қатнашиди. Машъала олиб ўтиладиган ҳар бир ахоли пункти синиклаб ўғанилиб, қаерда пиёда, қаерда автоуловда юриш лозимлиги белгиланди. Жами умумий масофа 380,6 километри ташкил этади. Шундан 337,5 км масофада автоулов эстафетаси, 43,1 км масофада эса ёш спортчиларимиз машъалани ўнг кўлида кўтариб ўтиш шараfiga муссар бўладилар. Шундай қилиб, “Физика-Кўёш” марказида олов олган умидли ёшлар машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент, Янгибозор, Ўртасарой, Оҳангарон, Ангрен каби туман ва шаҳарларидан олиб ўтилиб, Қамчиқ довонига етказилади. Бу ердан Сирдарё кўприги орқали Дангарга ахоли пунктига, у ердан Кўқон, Учкўприк, Янгиқўрон, Богдод, Ҳамза каби туман ва шаҳарлар орқали Фарғонага олиб кирилади.

Машъалани қишлоқ ва туманлардан тантанали олиб ўтишда “Ватанпарвар” ташкилотининг маҳсус жихозланган “Нексия”, “Тико” ва “Дамас” каби барчаси оқ рангда-ги енгил машиналари

хизматда бўлишади.


— Шариф ака, мамлакатимиз олий ўкув юртлари тала-баларининг “Универсиада-2002” спорт мусобақаларида ҳам мазкур машъала кўлла-ниладими?

— Ҳозирги кунда Бухорода ўтиклидиган “Универсиада-2002” спорт ўйинларига уч бос-қичли мазкур спорт мусобақаларининг узвий боғликлари ва чамбараслиги тўғрисида рамзий маъно берувчи янги кўри-нишдаги янада такомиллашган машъала устида изланишлар олиб борилмоқда.

**Кўёш машъаласи, уни кўтарган йигит-қизларимизнинг қўлларидан қалбларига кўчар экан, ёшлар эл-юрт учун қанчалик шижоат қилсалар, машъала шунчалик шиддат олиб ёнаверишини англашмоқда. Ёниб яшаш, интилиш, яратувчанлик баҳти ҳамиша ёшларимизга ёр бўлсин!**

Нурлан УСМОНОВ  
сұхбатлашди.

Суратларда: тайёргарлик жараёни.  
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



## ФАРГОНА МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁР

Газета саҳифаланаётган бир пайтда Фарғона шаҳридан таҳририятимизга факс орқали хабар келди. Унда “Умид ниҳоллари-2002” мусобақалари бўлиб ўтидиган спорт иншоотларининг тайёргарлик даражаси ҳақида маълумотлар берилади.

Барча вилоятлар учун алоҳида жойлар ажратилган бўлиб, болалар фойдаланадиган идишлар ва бошқа анжомларга вилоятларноми, “Умид ниҳоллари” эмблемаси туширилган.

Волейбол мусобақаларида қизлар Марғилон Курилиш касб-хунар коллежида, ўсмирлар мусобақаси Марғилон шаҳар 2-БЎСМда бўлиб ўтиди. Баскетболчи қизларимиз Фарғона шаҳар саноат касб-хунар коллежида, ўсмирлар эса Қиргули туманидаги “Кимёгар” спорт мажмуасида баҳспасадилар. Қўл тўпи бўйича қизлар мусобақаси Фарғона политехника институтида, ўсмирлар беллашуви эса Қиргули тумани “Кимёгар” спорт мажмуаси-

да ўтказилади. Енгил атлетикачиларимизни Қиргули тумани “Нефтчи” спорт мажмуаси кутмоқда. Сузиш мусобақаларини ўтказиш учун Қиргули тумани “Нефтчи” спорт мажмуаси шай. Футболчилар Фарғона тумани марказий ўйингоҳида ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Стол тениси бўйича қатнашаётган спортчилар Қиргули тумани тенис кортига йигиладилар. Тенис ўйинлари Фарғона политехника институтида бўлиб ўтиди. Фарғона шаҳар “Шодлик” гимназиясида шахмат бўйича мусобақаларни юқори савиядаги ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Миллий ва белбогли кураш бўйича ёш полвонлар Фарғона шаҳар Солик колледжида биринчилик учун курашадилар. “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича республика штабида матбуот маркази ўз фаолиятини бошлади. Мусобақаларга доир барча маълумотларни 24-25-14 (факс), 24-33-48 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.





## ЖАМОАТЧИЛИК БЕФАРҚ ЭМАС

Бухоро газ саноати касб-хунар коллежининг сузиш ҳаваси Гиждувон, Шофиркон, Пешку, Когон, Вобкент туманлари ва Бухоро шаҳридаги мактаблардан вакил қилинган сув спорти билан шугулланадиган ўқувчилар, ишқибозлар билан гавжумлашди. Кизгин беллашувлардан сўнг Бухоро шаҳридаги 8, 19 ҳамда 21-мактабларда таҳсил кўраётган ўқувчиларнинг маҳорат ва тажрибалари бошқа тенгдошларига нисбатан анча устун эканлиги яққол кўзга ташланди. 50 метрга чалқанча ва баттерфлей усулида сузиш бўйича вилоят чемпиони Ирина Ҳакимова, Татьяна Гурмееева, Элена Маляка, Татьяна Савельева сингари бир қатор ёшларнинг чиқишилари айниқса юқори баҳоланди. Улар намойиш этган маҳорат замрида мурраба бўйича Олим Ҳалимов, жисмоний тарбия ўқитувчиси Александр Пакнинг самарали, тинимси з меҳнати ётганинг иштироки ўтказилди. Шутариқа Фарғонада ўтаганда



"Умид ниҳоллари" республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган сўнгги йўлланма соҳиблари ҳам маълум бўлди. Бунга қадар спортинг бошқа турлари бўйича ҳам ана шундай муросасиз баҳслар бўлиб ўтган ва якуний мусобақаларда Бухоро вилояти шарафидини химоя қиласидиган жамоатлар таркиби аниқланган эди.

— Катта шодиёналар, кенг кўллами тадбирларга пухта ва ҳар томонлама тайёргарлик кўриш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий удуми, — дейди "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаси, Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Салим Мухторов. — Шу маънода "Умид ниҳоллари" муносабати

кўлларидан келганча ёрдам беришиди. "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг дастлабки бошқичлари голибларига асосан ишбилиармон ва тадбиркорлар, ҳомийлар хисобидан совғалар улашилди. Гиждувон тумани ҳокимлиги, тумандаги "Зарафшон" ижара хўжалиги, Гиждувон тўқув фабрикаси ва бошқа ташкилотлар мазкур тадбир учун 300 минг сўмдан 4 миллион сўмгача маблаг ажратишиди. Шунингдек, бундай мисолларни бошқа туманлар мисолида ҳам истаганча келтириш мумкин.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**  
"Ма'rifat"ning маҳсус мухбири

## ҲАММАСИ ФАРГОНАДА ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Навоий вилояти ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси томонидан ўқувчи-ёшларни ақлан терсан, жисмонан бақувват бўлишларига ҳар доим ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, Фарғона шаҳрига ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" республика мусобақасига 137 нафар ўқувчилар спортинг 11 тури бўйича сўнгти машгулотларни қизғин ўтказмоқдалар. Шуни алоҳига таъкидлаш керакки, республика бошқичи олдидан ўқув-йигин, спорт машгулотлари асосан Навоий шаҳридаги "Дельфин" сузиш ҳавзасига, "Сўғиёна", "Кимёгар" ҳамда Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор туманиларидаги энг яхши спорт ўйингоҳларида 16 нафар кучли мураббийлар раҳбарлигида ўтказилмоқда.

— Навоийлик ҳар бир спортчи ўқувчининг қалбига Ватан тараққиётни, юрт тинчлиги, халқ фарононлиги ўйлида зафарли қадамлар кўйилганлиги Фарғона шаҳрига ўтказиладиган кичик Олимпиадага ўз ифодасини топади, — дейди вилоят "Ёшлик" КСЖ раиси ўринбосари С.Примов.

Ўтқир ПУЛАТ

Андижон шаҳридаги 2-ўрта мактаб бугун вилятда жуда машҳур. Бунинг боиси мактабда ҳар йили кўплаб машҳур спортчилар етишиб чиқаётган бўлиб, улар вилоят, мамлакат шаравини турли мусобақаларда дадил ҳимоя қилмоқдалар.

"Умид ниҳоллари" мусобақалари мактабни гўё қайтадан кашф этди. Ўз масканлари даги анъаналарга садоқатли ўқувчилар спорт мусобақаларида фаол иштирок этдилар. Шаҳар мактаблари орасида ғолибликка эришган ўқувчилар вилоят босқичида ҳам муваффақият қозонди.

Бугун республика миқёсидаги беллашувларда иштирок этувчи стол тенинси, баскетбол (ўсмиirlar ва қизлар) бўйича вилоят вакиллари



## БИР МАКТАБДАН 28 НАФАР ҒОЛИБ

мутлақ шу мактаб ўқувчиларидан ташкил топган. Шунингдек, мазкур мактаб ўқувчилари Ольга Комилова ва Ирина Ҳурмаматовалар енгил атлетика бўйича, Жонибек Ўразалиев катта тенинс бўйича вилоят терма жамоаси аъзоларидар.

Албатта, бу муваффақиятлар замирда машиқатли меҳнат мүжассам. Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Марям опа ва Рустам Убайдуллаевлар, Димитрий Зулунов, Александр Осиповлар ҳар бир машгулотни юксак савиядага ўтказадилар. Ўқувчиларнинг қизиқиши ва интилишлари дарсда инноватия олинади. Иқтидорли, спортинг қайсиdir тури билан шугулланувчи ўқувчилар билан қўшимча машгулотлар йўлга кўйилади.

Стол тенинси бўйича ўсмиirlar ўртасида жаҳон чемпиони Тимур Шириев шу мактабнинг 9-синиф ўқувчиси. У стол тенинси бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоси. Бир неча ҳалқаро мусобақалар иштирокчиси. Тимурнинг иқтидор куртаклари, аввало, мактаб муаллимларининг ўтиборига тушди. Фидойи муаллимларининг у билан ўтказган тинимисиз машҳир машгулотлари самарасиз кетмади. Тимур Андижон спортининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди.

— "Умид ниҳоллари" спорт фаолиятимда катта тажриба вазифасини ўтади, — дейди Тимур. — Бониси, у, энг аввало, ўқувчилар мусобақаси бўлиб, машгулотлар ва мусобақалар мунтазамигина ташминлаш, спортчиларга ҳомийлар ёрдамини ўюшибарни учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Мазкур маскан нафакат спортда, балки билим-донлик бўйича ҳам Андижон шаҳрида ўз ўрнига эга бўлган мактаблардан саналади. Ундағи муаллимлар жамоаси ва ўқувчиларнинг фаоллиги, спорт ва ўқишидаги муваффақиятлари боис, вилоят ҳалқ таълими бошқармаси томонидан Япония давлатининг берегаси ёрдам дастуридаги грантни олиш учун тавсия этилган. Ишонамизки, спортчилар мактаби, албатта, бу грантни олишга муваффақ бўлади.

Хуллас, мактабнинг 28 нафар ўқувчиси бугун Андижон шаравини муносиб ҳимоя қилиш учун термо жамоаси сафида Фарғонага отлонадилар. Биз эса мақсадлари кўнгилларида ойдин спортчи ўқувчиларга омад тилаймиз.

**О.СИДДИКОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

## СПОРТЧИЛАРИМИЗ КАЙФИЯТИ БАЛАНД

Самарқандда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг якуний бошқичи натижалари ва голиб ўқувчиларнинг республика бошқичидаги иштирокини юқори дараҷада ташкил этишга багишланган йигилиши бўлиб ўтди.

Йигилишда спортинг барча турлари бўйича голибларни қўлга киритиш учун барча имкониятларни ишга солиши, ёш спортчилар руҳини кутариши, уларга шарт-шароитларни яратишга қаратилди.

— Биз бу йил ёш спортчиларининг "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг замрида эса бўлгуси жаҳон чемпионларини тайёрлашдек улкан мақсад ҳам кўзда тутилган. Зеро, ўтказилган мусобақалар шу эзгу мақсад сари ташланган дастлабки қадамдир.


"Умид ниҳоллари" ўйинлари ўтказилиши жараённида ўқувчилар ўзларига яратилган қулийликлардан мамнун бўлдилар. Айниқса, вилоят бошқичида ёш спортчиларнинг ҳар соатини мазмунли ўтказиши мақсадида шаҳар бўйлаб экскурсиялар, учрашувлар ташкил этилди. Ёшлар тури туманлардағи тенгдошлари билан яқиндан танишиб, дўстлик ришталарни боғладилар. Спортида катта ютуқларни қўлга киритиштан жаҳон чемпионлари, ҳалқаро тоифадаги ҳакамлар

канд шаҳридаги 24, 63, Каттакўргон туманинаги 15, Пайарик туманинаги 6-мактабларнинг спорт заллари тулиқ таъмирланди. 1 миллион 200 минг сўмлик футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бошқа спорт жиҳозлари сотиб олинди.

Утказилган бошқич мусобақаларидан шу нарса аён булдикни, вилоятнинг турли туманларида спорт турлари бўйича лаёкатли, эпчил авлод вояга ётмоқда. Фақат улар билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик лозим.

"Умид ниҳоллари" мусобақаларининг замрида эса бўлгуси жаҳон чемпионларини тайёрлашдек улкан мақсад ҳам кўзда тутилган. Зеро, ўтказилган мусобақалар шу эзгу мақсад сари ташланган дастлабки қадамдир.

"Умид ниҳоллари" ўйинлари ўтказилиши жараённида ўқувчилар ўзларига яратилган қулийликлардан мамнун бўлдилар. Айниқса, вилоят бошқичида ёш спортчиларнинг ҳар соатини мазмунли ўтказиши мақсадида шаҳар бўйлаб экскурсиялар, учрашувлар ташкил этилди. Ёшлар тури туманлардағи тенгдошлари билан яқиндан танишиб, дўстлик ришталарни боғладилар. Спортида катта ютуқларни қўлга киритиштан жаҳон чемпионлари, ҳалқаро тоифадаги ҳакамлар



мол ва Темириўл, шахмат бўйича Сиёб тумани ўқувчилари вилоятда голибларни қўлга киритиб, кейинги бошқич беллашувларини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

**Н.ШЕРБОЕВА,  
М.АҲМЕДОВ**

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

Ислом оламида “Жоруллох”, “Устозул-араб вал-ажам” каби улугъ тили грамматикаси, адаб ва аруз илмлари, жуғрофия, тағсир, ҳадис ҳамда фикъга оид 66 та асарлар яратган. Улар орасида “Муқаддамату-л-адаб” асари алоҳида ўрин эгаллайди. Илм-маърифатнинг муҳалиси ва ҳомийси Хоразмшоҳ Абууддавла Абулмузаффар Отсизнинг талаби билан ёзилган мазкур асар луғатшунослик, сўзларнинг маънолари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ушбу ноёб асарнинг яратилишига доир воқеани ўкувчилар хукмига ҳавола этмоқчимиз.

522 ҳижрий йил. Кўхна Урганч ўзининг осуда ҳаёти билан банд. Шоҳ қасрида тинчлик, ҳаммаёк сув қўйгандек жимжит. Яқиндагина таҳтга ўтирган ёш шоҳ Абууддавла Абулмузаффар Отсиз ҳаљ осойишталиги, юрт фаровонлиги хусусида ўйлаб, хаёл сурарди. Унинг олдига вазир Низомул-мulk аста яқинлашди ва босик товуш билан сўз бошлади:

— Улугъ шоҳум! Ҳаёлингизни қандай муаммолар банд қилди? Айтинг, шояд дилингиз равшанлашиб, ғуборингиз тарқагай!

Хоразмшоҳ Отсиз ўтирган ҳолатидан ўзгармай:

— Низомул-мulk, сиз марҳум отам салтанатида ҳам сидқидил билан хизмат қилгансиз. Унинг барча ҳайрли, эзгу ишларига ҳайриҳо бўлиб кўмаклашгансиз. Падари бузрукворимнинг мана шу ҳайрли ишларини давом эттиромок, юртни гуллатиб, обод этмоқ, элимни маърифатли қилмоқ истагидадурмен.

— Бу эзгу ишларингизга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлгай, илоҳим дунё тургунча мудом тургайсиз!

— Шу муносабат билан Ватанимда илму фанни ривожлантиромок тадоригини ўйлаб ўтирибман.

— Шоҳим, сизнинг олдингизга кириб, тинчлигингизни бузганимнинг боиси ҳам шу эди, — деди Низомул-мulk ва сўзида давом этди. — Бугун эрта билан саройингизга бир гурух алломаи замонларингиз йиғилишган. Улар хуурингизга кирмоқ учун Сиздан изн сўрайдурлар.

Хоразмшоҳ Отсизнинг бу гапдан юзи ёришди, ўзи сергакланиб Низомул-мulk-ка қараб деди:

— Жуда соз! Олимлар билан сұхбатлаши менга ҳузур багишилайдур. Марҳум падарим олимлар, адилар, шоирлар билан кўп маҳлислар ўтказар эдилар, мен уларнинг аксариётида иштирок этиб, уларнинг пурхикмат сўзлари, нағис шеърларидан бағоят таъсиранан эдим. Қани, тездан ичкарига чорланг, кирсинлар, мен мунтазидурмен.

Низомул-мulk охиста юриб эшикни очди ва ташқаридагиларни ичкарига чорлади. Ҳонага таъзим қилган ҳолда тибий билимлар сultonи Ҳаким Али ибн Мухаммад Ҳижозий, тенги йўқ файласуф, факих Баҳовуддин Абу Мухаммад Ҳирақий, алломаи замон Рашидуддин Муҳаммад Ватвот, нахву-сарф, аруз илмларининг билимдени Абулҳасан Али Хоразмий, фозиллар ҳужжаси, адилар сайди, машойхлар фахри хисобланмиш Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Хоразмий, фикъ илмининг фаридуз-замони Абу Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий, фалакиёт илмининг шамси Муайиддин Маҳмуд ибн Умар Хоразмий, манзарул-олам Аловуддин Абулфатҳ Сармарқанди, барча фанларнинг билимдени, асрнинг ягона зоти Абу Музар Заббий Хоразмий ва яна ўн беш нафарга яқин киши кириб келди. Улардан орқароқда соддагина кийинган, чўққи соқол, 50 ёшлар чамасидаги Маҳмуд Замахшарий ҳам оқсоқланиб, таъзим билан келар эди.

Уларни кўрган Хоразмшоҳ ўрнидан турди ва “Ассалому алайкум, азиз юртимнинг алломаи фозиллари, қадамларингизга ҳасанот, марҳабо”, дея ҳар бири билан алоҳида кутоқлашиб кўришиди. Хоразмшоҳ Отсиз Замахшарийнинг кўлидан олиб юқорига бошлади ва ўзи ўтирган таҳтнинг чап томонидаги курсига таклиф қилди. Ҳамма ўтириб жойлашганидан сўнг фотиҳа қилинди. Фотиҳадан кейин Хоразмшоҳ барчаларини муборакбод этиб, ҳол-ахвон сўради ва Замахшарий томонга юзланиб:

— Мавлоно Маҳмуд Замахшарий, сиз яқинда Ироқ, Шом, Арабистон сафаридан қайтибсиз. Зиёратингиз қабул бўлгай, ҳуш келибсиз. Ироқ ўлкаларнинг ҳукмдору олимлари сиз яратган қатор бетакор буюк асарларингиздан баҳраманд бўлиб, сизни “Жоруллох”, “Устозул-араб вал-ажам” каби табаррук номларга сазовор қилибдилар. Эштиб кўнглимиз тоғдек

кўтарилиди. Яна сиз нахву сарф, балоғат, фасоҳат, аруз, луғат илмларида ҳам ноҳидир асарлар яратибсиз. Сиз буюк Хоразм шону шуҳратини рубъу-маскунга таратдингиз. Шу бу кундан эътиборан сиз “Фахри Хоразм” номига ҳам муносибдурсиз. Муборак бўлгай шарафли унвон, — деди илтифт ила олқишиб.

Маҳмуд Замахшарий қўуллуқ, минг бор куллук” деб ўрнидан туриб таъзим қилди.

“Ҳайрли номлар муборак!”, “Шарафли унвонлар куллуқ бўлсун!” деб йигилгандар Замахшарийн муборакбод этдилар.

— “Фахри Хоразм”, — деб сўзини давом эттириди Отсиз, — сиз шу кунларда элизни, ҳалқимни адабли, маърифатли

рий Урганчдан муҳим топшириқ олиб қайтанига ҳам чамаси уч-тўрт ийлар бўлди. Қишлоқ қўчаларининг у ёр — бу ерида лойсувоқ томли уйлар кўринади. Уларнинг қаторидаги муаллим Умар ибн Аҳмаднинг ўйи ҳеч нимаси билан ўзглардан фарқланмайди. Уй хужраларидан бирида Замахшарий турли китблар уюми орасида ёзиш билан банд. Мана бир неча ийлардан бери у тинимсиз ишлайди. Шу буғун аср намозига қадар муттасил давом этган ишини якунлаш ниятида. У охирги жумлаларни ёзмокда: “таммати-л-қисм-л-хамиси фи тасрифи-лағъюл мин Муқаддамату-л-адаб”. Мана шу жумлаларни ёзиб, Замахшарий салқиган кўзларини бироз юмди ва асарни олиб ташқарига чиқди. “Алҳамдулиллох, алҳамдулиллох” деб, нағис насх, сўлс ва насталик ҳатларида моҳирона битилган, сарлавҳаларида зарҳал берилган, қўйнинки, ўзида мавжуд санъатининг барласини ишлатиб яратган бу кўлёзма асар унинг ҳам ҳавасини келтирди. Шу куни ёк аллома Урганчга, Хоразмшоҳ Отсиз саройига ўйл олди. Маҳмуд ширин ҳаёллар, тинимсиз меҳнатидан қониқиши лаззати билан Урганчга етиб келганини ўзи ҳам сезмади.

Жаҳон фани ва маданияти ривожига ўзининг муносиб улушини қўшган аллома, тилшунос олим Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг бебаҳо асарлари орасида “Муқаддамату-л-адаб” алоҳида, муҳим ўринни эгаллайди. “Муқаддамату-л-адаб” илмий адабиётларда “Адаб илмига кириш”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Сўз илмига кириш” деб таржима қилинади. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг туб мөхияти, унинг олдига кўйилган талабларни аниқ ва равшан англаш учун аср номидаги адаб илмининг манносига назар солиши ва уни чуқур илмий тушуниш лозим. Илмий адабиётларда “адаб” атамаси умумий таълим фанларининг йифиндиси сифатида изоҳланади. Ўтра аср Шарқ илмида морфология, синтаксис, аруз, лексика, этимология, риторика, стилистика, хуснинат каби илмлар адағ илмларига киритилган. Шу жиҳатдан ҳам мазкур асар толиби илмларга ўқимишли, саводхон, кўп қиррали билим эгаси бўлишлари учун етарли маълумот бериш мақсадида, юқсан тараққиёт поғонасида бўлган даврингиз аҳли илмлари маслаҳати билан яратилган. Адабга багишиланган асарлар жуда ранг-баранг бўлиб, улардан муайян илмий тартиб талаб этилган. Улар ўзининг қизиқарлилиги билан ўкувчиларни жалб қилинган. Адабга оид асарлар кенг ўкувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, уларда юқорида номи зикр этилган илмлардан маълум миқдорда маълумот берилган. Бу асарларда сўзларнинг мавжуд турли маъно кўринишлари истифода этилган. Мазкур маъно хусусиятлари эса адабга оид лугатларда тўлиқ акс этирилган.

Адаб илмини тўлиқ эгаллаган киши “адаб” деб атаглан. Адиб, яъни саводхон, маданияти, ўқимишли киши экан, ундан шу даражага муносиб келувчи билимларни ўзлаштириш учун муайян миқдордаги сўз бойлигига эга бўлиш талаб этилган. Асар муаллифи Маҳмуд Замахшарий мана шундай шарафли, олий мақсадни ўз олдига кўйди. Бу каби масъулиятли, лекин шарафли вазифанинг аллома, адабиляр каъбаси Маҳмуд Замахшарийга юкланиши бежиз эмас эди. Чунки Замахшарий бу даврга келиб нафақат Хоразмда, балки бутун мусулмон дунёсига маъруфу машҳур бўлиб, ўзининг илмий етуклиги, асарларининг пухталиги, ўз даврингиз илмий тили бўлмиш араб, форс ҳамда туркий тилларини юқсан даражада билган “даврингин танҳо зот”ларидан бирни эди. Маҳмуд Замахшарий ўз ҳаёти давомида бир неча бор ўзга мамлакатларга сафар қилган. Шу сафарлар чоғида аллома ўзга юрт олимларининг адаб илми тўғрисидаги асарларини пухта ўрганиб, адаб илми ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаган, араб ва бошқа тиллар бўйича олган билимларини мукаммалаштириган, кўплаб луғатларга оид маълумотларни жамлаган. Тилшуносликка оид юқсан билим, етарли илмий малакани мужассам этган мазкур асар яратилган давридан бошлаб ҳозирга қадар ноёб қомусий манбалардан бирига айланган. Буюк адаб Садриддин Айний бу асарни XX аср бошида “Мехнаткашлар овози” газетасида ўзлон қилган бир мақоласида “дунё хазинасига тенг асар” деб эътироф этган.

Маҳмуд Замахшарий етук тилшунос олим сифатида дунёга танилган. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг арабчадан ташқари форс, чигатой, турк тилларида кўлёзмалари мавжуд. Шунингдек, Европа кўлёзма фондларида унинг ўнлаб нусхалари бўлиб, француз, немис тилларига ўтирилган.

Хозирги кунда “Муқаддамату-л-адаб”ни чоп этиши маънавий меросимиз, манбашунослик, тилшуносликдаги муҳим вазифалардан биридир. Чунки бу нашр манбашунослигимиз, тилшуносликдаги тарихи, замонавий адабий тилимиз тараққиётiga муносиб хисса қушади.

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ,**  
**Тошкент Ислом университети**  
**Исломшунослик илмий-тадқиқот**  
**маркази директори, филология**  
**фанлари доктори**

# АДАБ ИЛМИНИГ ДУРДОНАСИ

## “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИ ХУСУСИДА

қиласи деган мақсадда “Муқаддамату-л-адаб” деб номланмиш бир дурдона асар ёзган эрмишсиз. Асарнинг бағоят етук, равон бўлмиш ила унда арабий, форсий, туркий тилларидаги чоғишмалар ҳам бор эрмиш. Ҳабарингиз борким, падари бузрукоримиздан бизга бебаҳо китблар хазинаси, маъмурда кутубхона мерос бўлиб қолмишидир. Сиз яратган “Муқаддамату-л-адаб”дан ўз кўлингиз ила битиб, ҳазинамизга тухфә қилгайсиз, чунки сиз яна нағис хуснинат соҳиби ҳамсиз, тики авлодларимиз бу дурдона асарнингизни ўқиб, ундан баҳраманд бўлгайлар ва тоабад ҳаққингизга дуо қилгайлар, — деди.

Маҳмуд Замахшарий тасдиқ имоси билан таъзим қилиб ўрнидан турди, ўтрапроқа юриб ва Хоразмшоҳ Отсизга қарбади:

— Улуф шоҳим, кўрсатган олий марҳаматингиздан кўйсум осмона гетди. Мен ожиз бандангиз элизинга наф бўлар, деган умидда ушбу камтарин асарнинг кораламасини ёзиб, адаб илми бўйича устозим Абу Музарга ўз фикрини билдириб олди ва улар билан ҳол-ахвол сўрашди. Хоразмшоҳнинг кўзи Замахшарийнинг кўлидаги кўлёзма га тушди ва:

— Мавлоно Замахшарий қўлингиздаги нағис китоб қандай асар? — деб сўради.

Маҳмуд Замахшарий камтарлик билан муййим товушда:

— Шоҳим, ёдингизда бўлса, каминага бир асардан нусха кўчириши буорган эдингиз. Ана шу буорган топшириғингиз иншиolloҳ битиди. Уни сизнинг муборак ҳукмнингизга ҳавола қилгани олиб келдим, — деди ва кўлидаги кўлёзмани Хоразмшоҳга аста узатди. Хоразмшоҳ кўлёзмани кўлига олиб, унинг муқовасини завланини томоша қилиб, асарни варактлай бошлади. Унинг кўзи, чехрасидан ниҳоятда мамнунлиги билиниб турар эди. Кўлёзмани синчилаб варактлаган шоҳ гурур билан:

— Боракалло, оғарин Сизга мавлоно! Бу асар дунё ҳазинасига тенг, балки ундан ҳам қимматлироқ бўлубдур. Бу кўлёзмани бозингиз кутубхонамиздан муносиб ўрин олгай, — деди.

Сўнг Хоразмшоҳ Низомул-мulkка юзланиб, вазари аъзам, сиз дарҳол юртимиздаги энг моҳир хаттотларни жамланг. Уларга тез фурсатда бу асардан нусхалар

# МАТЕМАТИКА МУАЛЛИМИНИНГ ИЛК ТЎПЛАМИ

Тоғлар... мағрур ва сервиқор тоғлар. Булоклар юрти хам, соғификлар юрти хам худди ана шу жойлар.

Махмадиёр Нурматов ҳам юксакликларда таваллуд топиб, ана шу юксакликларда яшаб ижод қилаётган умидли ёшлардан бири. У олий маълумотли математика фани муаллими. Айни кунда ҳам Чироқчи туманинг тогли Тарагай қишлоғидаги Ҳамза номидаги мактабда қишлоқ болаларига сабак беради.

Кўп йиллардан бўён унинг шеърлари туман, вилоят ва республика газеталарида ботбот босилиб турибди. Яқинда "Насаф" нашриёти томонидан шоирнинг "Хаёл чегараси" номли илк шеърий тўплами чоп этилди.

Бу математика муаллиминг кўлларига қалам, юрагига илҳом ато этган куч, аввалимбор, она қишлоғининг такорири йўқ гўзал табиати ва яна қишлоғининг одамохун, меҳнатсевар ахли, иймон-этиқодли момолари ю бувалари, қолаверса, садоқат бобида тенгги йўқ кизу янгалари бўлса ажаб эмас.

Шоир ижодида кўпроқ фалсафий тафаккур уйғулиги



кўзга ташланади. Фикримизнинг далили сифатида тўпламнинг илк саҳифаларидан ўрин олган "мансура"лардан бирини ҳукмингизга ҳавола этайлик:

"Зарра кўз ўнгимда ўса бошлади,  
Аввал ойни,  
Кейин күшени,  
Ахири осмонни тўсиб ташлади".


Назаримизда шоирнинг этиборидан "ҳаёт" деб аталмиш улкан тажриба-синов майдонидаги майда-чўйда "икир-чикир"-лар ҳам четда қолмагандай. У ўзининг "Эврика" шеърида кичкина гўдак образи орқали каталар ҳаётидаги хунук иллатларни ўзига хос содда ва равон тилда баён қиласи:

Тунов кун юришини ўрганиб, Нарвонга ёпишар кичкинотай. Ер билан танишиб бўлгандай Осмонга чиқмоқчи хойнай...

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Махмадиёр Нурматовнинг "Хаёл чегараси" шеърий тўпламида айрим шеърларидаги фикрлар тақоролиги, онда-сонда бўлса-да, ишлов талаб бироз фализ сатрлар учрайди. Умид қиласизи, ёш шоир кейинги ижодида бундай камчиликларни тузатиб боради.


Абдували ОБИДИН

Муборак саналар шарафига ҳайрли, эзгу ишларга кўл уриш, тўйга тўёна билан бориши ҳалқимизнинг азалий удумидир. Мустақиллик, шубҳасиз, энг улуг байрамимиз бўлиб, унга оталган ҳар қандай тўёна ярашикли бўлади. "Бухоро" нашриёти истиқолимизнинг 10 йиллик тўйини ажойиб



## ШЕЪР - МУАЛЛИМ КАНОТИ

совға билан кутиб олган эди. Бухоро вилояти ўқитувчиларининг ижод намуналаридан иборат тўплам яхши ният билан "Тўёна" (тўпловчи ва масъул мұҳаррир Жаҳонгир Исмоилов) деб номланган. Ўқитувчилар касбининг ўзи ижодкорликларидир, десак хото қимлаган бўламиш. Тўпламдаги 70 нафарга яқин ўқитувчи-ижодкорнинг шеърларини ўқиши жараённида шунгага амин бўлдикки, уларнинг аксарияти шунчаки машҳардасидан анчагина юқорилаган, бадиий ижод техникини талабларига жавоб берадиган, шакл ва мазмун уйғулиги, чиройли образли ифодалар борлиги билан ажralib туради. Бироқ уларнинг барчаси бадиий жиҳатдан юқори савида, техник камчиликлардан бутунлай холи ҳам дейиши қийин. Негаки, ижод билан шуғуланишини жиддий мақсад қилиб олмаган қаламқашга ўта юксак талабни ўқишишнинг ўзи ноҳоизdir. Нима бўлганда ҳам, уларда самимият, туйгулар беғуборлиги мавжудки, бу хусусиятлар ижодкор-ўқитувчilar келажагига умид ўйғотади. Ёш авлод таълим-тарбияси зиммасига юқлатилган, давр руҳини ҳис этиб турадиган замондошларимизнинг айнан шундай ижод намуналари яратишлари ҳам табиийdir. Ўқитувчи-ижодкорларнинг кейинги фаолиятига омадтилаймиз. Бироқ унумтаслик керакки, омад доимо изланишда, ҳаракатда бўй кўрсатади.



## ИНТЕРНЕТДА ЎЗБЕКЧА ЖУРНАЛ

"Yosh kuch" нинг жорий йилдаги илк сони босмадан чиқди. Айтиш жонизки, журнал таҳририяти ушбу сондан бошлаб бир талай янгиликларга қўл урди. Мақтовга сазоворли томони — журнал ИНТЕРНЕТда ўз электрон версиясини очди. Дунё миқёсида деярли яром миллиард одам интернетдан фойдаланишини ҳисобга олсан, "Yosh kuch" ни дунёнинг исталган ҳудудида шунча киши ўқиши мумкинлиги ойдинлашади. Демак, "Yosh kuch" интернетдаги биринчи ўзбекча журналдир.

Энди бевосита журнал мундарижасига назар ташласак, унинг дастлабки саҳифаларида "Йил сарҳисоби"ни ўқиши мумкин. "2003 йил инқилоби: генетиклар галаба қиласи" суҳбат мақола (муаллифи А.Ҳайт)да генетика, ген муҳандислиги, биология фанларининг баъзи ютуқлари ҳақида билиб оласиз. Шу ўринда мазкур мақоладан бир парча кел-

тирамиз: "Ўзбекистон аҳолисининг геноми ўрганилганда шу нарса аён бўлдикки, Марказий Осиё ҳудудида яшайдиган ҳалқлар ичидаги ўзбеклар энг генетик вариантларга бой, ранг-баранг ҳалқ экан. Ўзбеклар генига хос асосий хусусият — ранг-баранглик, вариантларнинг кўплити. Гадқиқотдан яна шу нарса аён бўлдикки, ўзбеклар генетик жиҳатдан осиёликларга эмас, европаликларга жуда яқин экан. Шу боис ўзбеклар монголоид эмас, европондир қўнгираларига мансуб ҳалқ ҳисобланса, эҳтимол тўғрироқ бўлар..."

"Оила — мўъжаз ватан" мақоласи (Ўқтам Муҳаммад Мурод)да инқирозга юз туттан ва бу кўчадан тавсия этилган тадбир билан чиқиб кетган бир оила мисолида фикр-мулоҳаза юритилади. "Силсиланинг сўнгти ҳалқаси" мақоласи эса пайғамбаримиз (С.А.В.)га бориб туташгувчи улутлар силсиласининг сўнгти



ҳалқаси, забардаст аллома шайх Қутбиддинхон Эшон Муҳиддинов ҳаётидан маълумот беради.

Шунингдек, журналда "Усама ва 40 қароқчи", "Бизни ҳандай кутишади?", "Жавобсиз саволлар" каби қизиқарли мақолалар билан бирга дам олиш саҳифаларидаги шеър, ҳикоялар, бошқотира таниқли хонанда билан сўхбат ҳамда латифаларни ўқиши мумкин. Ҳар галгидек, "Қатортолга мактублар" ва "Учинчи ўлчамга саёҳат" ҳам ўкувчини зериктиримайди. Шерали КАРВОНЛИ

Мустақил давлат барпо этишда фаол иштирок этаётган ҳар бир инсон ўз тарихий томирлари, келиб чиқиши ва аждодларининг кимлигини билишга эҳтиёж сезади.

Ўзбек элшунослиги илмий мактабининг асосчиси, устоз академик Карим Шониёзов (1924-2000). Ўрта Осиё ҳалқлари этник тарихи бўйича ҳар томонлама кенг қамровли билимга эга бўлган салоҳияти тадқиқоти олим би монография, 200 дан зиёд илмий мақолаларида ўзбек ҳалқи шаклланишининг қатор назарий масалаларини холисона ёритишга интилди. Сермаҳсул олим оғир хас-

## "БУГУНГИ НАҚЛЛАР" ЭРТАНИНГ САОДАТИ УЧУН

Бугун айтилаётган ҳар қандай жуяли гапнинг дояси КЕЧАНИНГ САБОҒИдир. КЕЧАНИНГ ЭРТАНИГИ кун билан боғловчи восита эса, шубҳасиз, БУГУН. Демакки, кечанинг сабоги бугун орқали эртани янада хушёликка ундаиди. Шоир, журналист ва публицист Икром Искандарнинг "Бутунги нақллар" ("Маърифат-Мададкор" нашриёти, Тошкент-2002) китобини ўқий туриб шу фикрлар кечди ҳаёлимдан. "Бутунги нақллар" муаллифнинг "Ойнинг ичидаги одам", "Баҳорни излайман" китобларидан фарқли уларко, наср жанрида битилган. Бу эса ижодкор истеъодининг янги қирраси намоён булганидан даракдир.

Китоб "Улимдан асралар қолган ҳунар" ҳикояси билан бошланади. Ҳикоя замирида "Хунарли киши ҳор бўлмас" мақоли мөҳиятини англассак, "Чангандаги улок" ҳикоясида миллатимизга хос хусусият — орият ҳақида гап боради. Ҳикоя ҳаҳрамони Бури полвон кекса булишига қарамай, кўпкарида улокни олдириб қўйтган ўғли ориятини ҳимоя килиб майдонга тушшиб кетади ва бир зарб

билан улокни рақибидан олиб қўяди. Чунки ўлининг орияти — ўзининг орияти эди-да..

Китобда "Сирли дуо", "Фийбат", "Хумор", "Увол", "Дала йулидаги аёл", "Папиро берайми?" сингари бир талай ҳикоялар берилганки, уларда бугун бир қадар учриб ултурган муаммолар баъзилари бугун ёки кечакида пайдо булгани ёзувчини қизиктирмайди. Унинг укувчилар учун ҳам аҳамияти йўқ. Муҳими, бу салбий ҳолатни эртанинг кун — келажакка олиб ўтаслик. "Бутунги нақллар" ана шу жиҳати билан ҳам ўкувчини мушоҳада юритишига ундаид олади.

Ш.НИШОНОВ

чи бўлиб, ўз олдига минтақадаги этник тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишдан иборат ниҳоятда мурakkab вазифани қўйди. У бронза даври ва ўрта асрларда турли этник жараёнларнинг ўзаро таъсирини ёрқин гавдалантириш, ўзбекларнинг ўрта Осиё худудидаги этник мадданий аждодларини кўрсатишга эришган. Шу тариқа ўзбек ҳалқининг маҳаллий этник заминида шаклланиш жараёни ҳам китобда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ушбу монография ёзма, тарихий, археологик, антропологик, нумизматик, этнографик ва бошқа манбалар асосида ёзилган бўлиб, унда ўзбек ҳалқининг асосий негизини Моварооннахр, Хоразм, Тошкент воҳаларида ва уларда туташхудларда азалдан яшаб келган туркий тилини аҳоли ташкил этиши тўғрисида фикр юритилган ҳамда ўзбек элатининг шаклланиши жараёнида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Олимнинг ушбу монографияси ўрта Осиё ва Қозогистон минтақасида мазкур мавзуда яратилган илк жиддий тадқиқоти хисобланади. Унда муаллиф турли-турман манбаларнинг жуда кўплаб мъалумотларни асосида ўзбекларнига ўзбекларнинг этногенези ва этник тарихининг ҳақоний манзарасини гавдалантиришга ҳаракат қилган. Тадқиқотнинг хронологик доираси кўлами ўзбекларни тархи ва уларнинг ҳалқи сифати шаклланиши билан боғлиқ анча узоқ давр — милоддан аввалги II-I асрлардан то милодий XIX асрларни қамраб олган.

Муаллиф мазкур тадқиқотида биринчи талигига қарамасдан умрининг сўнгги дамларида "Ўзбек ҳалқининг шаклланиши жараёни" номли йирик монографиясини яратди. Олимнинг ушбу монографияси ўрта Осиё ва Қозогистон минтақасида мазкур мавзуда яратилган илк жиддий тадқиқоти хисобланади. Унда муаллиф турли-турман манбаларнинг жуда кўплаб мъалумотларни асосида ўзбекларнига ўзбекларнинг этногенези ва этник тарихининг ҳақоний манзарасини гавдалантиришга ҳаракат қилган. Тадқиқотнинг хронологик доираси кўлами ўзбекларни тархи ва уларнинг ҳалқи сифати шаклланиши билан боғлиқ анча узоқ давр — милоддан аввалги II-I асрлардан то милодий XIX асрларни қамраб олган.

Муаллиф мазкур тадқиқотида биринчи талигига қарамасдан умрининг сўнгги дамларида "Ўзбек ҳалқининг шаклланиши жараёни" номли йирик монографиясини яратди.

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ИШТИЁҚИ

этган этник компонентлар, уларнинг этник тарихи ва яшаган худудларига ҳам батафсил тўхтаб ўтилган.

Шунингдек, китобда ўрта Осиё, хусусан, Моварооннахр худудида яшаган илк аждодларимизнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётни, мадданий этиник таркиби, кўшни давлатлар ва ҳалқлар билан этномаддани алоқалари, уларнинг ўрта асрларда ўз мустақилларни учун олиб борган озодлик курашлари ҳамда сўнгги давргача сакланиб қолган аждодларни тўғрисида ҳам қизиқарли тарихий-этнографик мълумотлар келтирилган.

Очил БЎРИЕВ, тарих фанлари номзоди, доцент, Фахриддин РАҲМОНОВ, Каши Давлат университети ўқитувчи, тарих фанлари номзоди

# МАҚСАДИМИЗ-МАҢНАН ЮКСАЛИШ

**Мустақиллик даврида ўзбек халқы нафақат си-  
әсий, ижтимоий-иқтисодий, фан ва техника та-  
ракқиетида, балқы маданият ва санъат жабхала-  
рида ҳам улкан зафарларга эриши. Ана шундай  
ютуқлар жумласига янги ташкил этилган Тошкент  
давлат миллий рақс ва хореография Олий макта-  
бини ҳам кириши мүмкін.**

Дарвоқе, 29 апрель Халқаро рақс куни сиға-  
тида кенг нишонлаб келинади. Хореография санъ-  
ати тарихига, бугунги тараққиетига назар ташла-  
сак, соҳанинг мустақиллик даврида ўзгача аҳами-  
ят касб этиб бораётганига амин бўламиз.

Куйида ушбу олий ўкув юрти ректори вазифа-  
сини бажарувчи Маҳмуд Очилов билан сұхбати-  
миз шу мавзуда кечди.

— Маҳмуд ака, Тошкент Дав-  
лат миллий рақс ва хореогра-  
фия Олий мактаби тарихи ва  
ундаги таълим тизими ҳақида  
қисқаша тўхталиб ўтсангиз.

— Тошкент Давлат миллий рақс  
ва хореография Олий мактаби  
Ўзбекистон Республикаси Прези-  
дентининг 1997 йил 8 январдаги  
“Ўзбекистон миллий рақс ва хо-  
реография санъатини ривожлан-  
тириш тўғрисида” ги Фармонига  
биноан Тошкент хореография би-  
ллим юрти негизида ташкил этил-  
ди.

Тошкент Давлат миллий рақс  
ва хореография Олий мактаби  
(ТДМРХОМ) хореография санъати  
бўйича олий малакали кадрлар  
тайёрлайдиган нафақат республи-  
камиздаги, балқи Осиё минтақа-  
сидаги ягона олий ўкув юртидир.

Олий мактабимизнинг “Кадр-  
лар тайёрлаш миллий дастури”  
қабул қилинган йили ташкил этил-  
гани дастурда кўрсатилганидек,  
таълим тизими узлуксизлигини  
таъминлашга замин яратиб бер-  
ди. ТДМРХОМ ўз таркибидаги хо-  
реография билим юртини сақла-  
ган ҳолда фаолият кўрсатаяпти.  
Таълим ислоҳотлари боис “Хоре-  
ография санъати” бакалаврлик йўналишидан ташқари  
“Хореография жамоалари раҳбар-  
лари”, “Хореография режиссёrligi”  
(балетмейстер), “Хореография  
педагогикаси”, “Хореография  
санъати тарихи ва наза-

рияси” мутахассисликлари бўйи-  
ча магистратуруни ташкил этиш  
борасида меъёрий ҳужжатлар тай-  
ёрланётганини таъкидлаш жоиз.  
Ўкув режасига Олий мактаб хусу-  
сиятларини ҳисобга олган ҳолда  
ўзгартиришлар киритилди. Олий  
мактаб кафедраларининг филиал-  
ларини билим юртида очиш, про-  
фессор-ўқитувчиларнинг билим  
юрти ўқитувчиларига ёрдам бери-  
ши, ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғри-  
сидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

— **Домла, Олий мактабнинг  
кадрлар захираси ва моддий-  
техника базаси ҳақида нима дея  
оласиз?**

— ТДМРХОМда таълим бериш  
услубиятининг ўзига хос хусуси-  
ятлари шундан иборатки, унда  
ижодий, табиий, тарихий, маъна-  
вий, назарий ва амалий жабхалар  
ўзгунаштирилган ҳолда олий бор-  
илади. Шу сабабли профессор-  
ўқитувчиларнинг умумий таркиби  
ни ижрочилик мутахассисликлари  
бўйича Ўзбекистон халқ артисти,  
Ўзбекистон Республикасида хиз-  
мат кўрсатган санъат арбоби,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими —  
фаҳрий унвонларига эга бўлган  
санъаткорлар ташкил этади. Кол-  
лаверса, талабалар сафидан бўла-  
жак ўқитувчilar тайёрлаш маса-  
лаларига катта эътибор берилало-

ти.

— **Газетхонларимизни нафис  
санъат маскани Тошкент дав-**



**Кадрлар сифати, хорижий  
алоқалар борасида нима дея  
оласиз?**

— Қайд қилиб ўтганимиздек,  
ТДМРХОМ соҳанинг Осиё қитъа-  
сидаги ягона олий ўкув юртидир.  
Жорий йилнинг март ойида тала-  
баларимиз Мадина Ниёзова ва  
Нуржан Кулибаевлар Киев шаҳри  
да ўқазилган “Балет ёшлиги” хал-  
қаро фестивалда қатнашиб, фес-  
тивал лауреати бўлиши. 20 га  
яқин жаҳоннинг энг кучли жамоа-  
лари ўртасида голиб чиқишнинг  
ўзи бўлмайди, албатта.

2001 йилда вакилларимиз Тур-  
кия ва Япония мамлакатларига  
бориб келдилар. Бизда Жанубий  
Кореядан, Туркиядан келган тала-  
балар ўқиб кетишган ва ўқишмоқ-  
да. Яқинда ўзаро ҳамкорликни  
янада кенгайтириш максадида  
Жанубий Кореядан, Япониядан  
делегация ташриф буюрди.

Жаҳоннинг 20 дан оғтиқ: АҚШ,

Мексика, Бразилия, Германия,

Швейцария, Австрия, Италия,

Польша, Болгария, Тўркия, Жанубий

Корея, Хиндистан, Япония,

Малайзия, Сингапур, БАА, Мирс,

Мўғилистон, Россия, Украина, Бе-

лорус каби мамлакатлари саҳна-

сида мумтоз рақс жозибаларини

намойиш қилаётган талабалари-

миз ўқитумиз кадрлар сифати

ва тараққиети даражасини

белгилайди.

— **Газетхонларимизни нафис  
санъат маскани Тошкент дав-**

лат миллий рақс ва хореогра-  
фия Олий мактабига ўқишига  
кириш ва уни битиргач, қанақа  
касб-эгалари бўлиб чиқишилари  
тўғрисидаги саволлар қизикти-  
риш табиий ҳол...

— Олий мактабимизда таълим  
узлуксизлиги таъминланган. Хо-  
реография маҳсус коллежига: “Ансамбл артисти” бўлимига 8-  
синфдан, “Балет артисти” бўлими-  
га эса 5-синфдан, шу санъат со-  
ҳасига ҳам жисмонан ҳам назарий  
билими бўйича лаёқатли ўғил-  
қизлар қабул қилинади. “Балет  
артисти” бўлимида ўқувчилар — 8  
йил, “Ансамбл артисти” бўлимида  
эса — 5 йил маҳсус таълим оли-  
шади. Маҳсус коллежни битиргач,  
ижрочи-артист сифатида ишлаш-  
ларига ҳуқуқ берадиган диплом  
берилади. Маҳсус хореография  
коллежига кириш масаласи бирор қўзилмок-  
да. Хабарингиз бор, яқинда Ўзбе-  
кистон давлат консерваторияси  
нинг янги биноси фойдаланишга  
топширилди. Бу биз учун ҳам  
кувончли воеадир. Ажабмас,  
қурилиш навбати бизга тегса.  
Соҳага оид ўкув адабиётлари  
(давлат тилидагилари) камчилор.

— **Домла, ушбу юрти** (институт)га эса  
Ўзбекистон Республикасидағи



бошқа университет ва институт-  
лардагидек умумий қонун-қоидалар  
асосида талабаларни қабул килимиз.

Тест синовларидан ташқари,  
abituriyentlar ижодий синовдан  
ҳам ўтишлари керак.

Хореография маҳсус коллежи  
ва олий бўғинларни битирган му-

тахассисларимизга талаб жуда  
катта. Буюртмачи ташкилотлар  
аниқ, Битирган талабаларимиз  
нинг ишга жойлашиши 100 фоиз  
десак, муболага бўлмайди.

— **Домла, ушбу юрти** дарго-  
ҳида ҳамма иш силиқ кечаяп-  
тими? **Муаммолар..**

— Биласизми, иш бўлган жой-  
да ҳамма вақт камчиликлар бўла-  
ди. Олий мактабимиз Республика-  
миздаги энг ёш олий ўкув юртла-  
ридан бирор ҳисобланади. Режа-  
лаштирилган ўкув театромизни  
қуриш масаласи бирор қўзилмок-  
да. Хабарингиз бор, яқинда Ўзбе-  
кистон давлат консерваторияси  
нинг янги биноси фойдаланишга  
топширилди. Бу биз учун ҳам  
кувончли воеадир. Ажабмас,  
қурилиш навбати бизга тегса.  
Соҳага оид ўкув адабиётлари  
(давлат тилидагилари) камчилор.

— **Еш раҳбар кадрларимизга**  
таяниб қайд қилинган камчиликлар  
ва етишмовчиликларни бар-  
тараф этишда, бир ёқадан бош

## САНЪАТИМ – ФАҲРИМ

Ёшлигимдан рақс санъатига шайдо бўлганман. 4 ёшимдан  
бошлаб рақс билан шуғулланишни бошладим. Олмаота шах-  
ридаги Хиндистан маданий марказида, кейинчалик Дехли шах-  
ридаги “Катҳак Кендр” институтида 1995–2000 йиллар дав-  
омида таҳсил олдим. Кўплаб халқаро танловларда қатна-  
шиб, лауреат бўлдим. Лекин миллий рақс сир-асрорларини  
янада чукур ўрганиши нияти мени Тошкентдаги миллий рақс  
ва хореография олий мактабига бошлади.

2001–2002 ўкув йилида шу олийгоҳнинг кундузги бўлими  
талабаси бўлиш баҳтига мушарраф бўлдим ва жуда хурсанд-  
ман. Чунки, мен ёш бўлишимга қарамасдан, кўп ривожланган  
Осиё рақс мактабларидаги ўқитиш услублари билан таниш-  
ганман. Уларнинг ҳеч бирини Тошкент давлат миллий рақс  
ва хореография олий мактаби билан қиёслаб бўлмайди.

Бу ерда, дарҳақиқат, хореографларни тайёрлаш ўкув жара-  
ёни юқори даражада.

Мен келажақда кўш дипломли хореограф бўлиб, ўз мамла-  
катимиздаги шу соҳа ривожига сезиларли улуш кўшиш ния-  
тидаман.

Тенгдошларимга, рақс санъати шайдоларига эса, ҳақиқий  
хореограф бўлиш учун, узоқ хорижларда изланишлар олиб  
бормасдан, Тошкент

Давлат миллий рақс ва хореография олий макта-  
бига ташриф буюришни маслаҳат бер-  
ар эдим.

Шахризат ТОХТИЕВА,  
Козогистон фукароси,  
олий мактабининг  
1-курс талабаси



## МИЛЛИЙ РАҚС – ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ МЕВАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг миллий қадриятларимиз, ҳалқимизнинг азалий урф-одатлари, тарихимиз тикланди. Шужумладан, рақс санъати – хореография ҳам туб маънода кадрлар тайёрлашга миллий рух ва қадриятларимизни инобатга олган ҳолда ёндошмокда. Ватанимизнинг янги тарихига назар солсак, рақс санъати Авесто давларидаги шаклланганлигини ва у бобокалонларимизнинг урф-одатлари, миллий анъаналарининг ажралмас бўлганига гувоҳ бўламиз. Урф-одатлар, ҳалқинг

рақс санъатида ҳам ўз аксими топган ва уларни асрдан асрларга етказишида хизмат килган.

Рақс санъати ҳам миллий қадриятларимизни, ҳалқ удумларини саклашда ўз ўрнига эга. Хореография санъати барча ривожланган мамлакатларда ҳам нафис санъат тури ҳисобланниб, улугланади. Унинг маданий-ижтимоий ҳаётдаги ролини, салоҳиятини ошириш мухим вазифадир. Зоро, “Наврӯз”, “Мустақиллик” каби умумхалқ байрамлари ва бошқа кўп тадбирлардаги хореографларимизнинг чиқиши телевидение орқа-

милий рақс –  
қадриятларимиз меваси

## САМОЛЁТ БИНОГА КЕЛИБ УРИЛДИ


Италиянинг Милан шаҳридаги энг баланд 30 қаватли бинонинг 25-гин содир бўлди. Маълумотларга кўра, 4 кишига мўлжалланган "Пайпер" самолётининг келиб урилиши вактида бинода 300 га яқин одам бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра, фокея туфайли 5 киши ҳалок бўлиб, 40 нафар яқин кишига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Воқея содир бўлганидан сўнг, Италия бош вазири Сильвио Берлускони Болгарияга уюштирилаётган сафарини тўхтатди. Бинобарин, Италия террор хуружи марказида турган объектлардан саналади. Мамлакат ҳукумати фожеага террор акти сифатида қарамоқда.

## ТУРКИЯ РАЗВЕДКАСИ БИН ЛОДЕННИ БИЛАДИ

Туркия разведкасининг маълумотларига кўра, Усама бин Лоден Кашимирнинг Покистон давлати назорат қиласидан худудида яшириниб юрибди, дея хабар беради "Хуррият" газетаси. Шунингдек, туркларнинг мазкур газетасини ёзишича "Толибон" рахбарни мулла Умар Афғонистоннинг Покистон билан чегарадош Пактия вилоядига бўлиши керак.

Кубадаги Гуантанамо базасида сақланадиган "Ал-Қоида" жангариликарининг сўроқ қилинишлари вактида эса бин Лоден Тора-Бора худудида олиб борилган "Анаконда" операцияси вактида қочишига муваффақ бўлганилиги ҳақида маълумот олинганди.



## ҚЎШИНЛАР ЯНА ҚАЙТИБ КИРДИ

Исройл танклари кечакиля шаҳрига бостириб киргандар. Гарчи бу хабарни Исройл томони тасдиқламаган бўлса да, лекин кўрганларнинг айтишиларича, қўшинлар шаҳарга иккита ўналиш бўйича кириб борганлар. Ёдга олсан, АҚШ талабидан сўнг мазкур шаҳардан исройиллар чиқиб кетган эдилар.

Исройл мудофаа вазири Бенъямин Канан каби шаҳарлардан олиб чиқилишини айтмоқда. Аммо, Фаластин раҳбари Ёсир Арофат турган Рамаллоҳ ҳали қуршовдан озод этилмайди.



## БУШ МАРҲУМЛАР УЧУН ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш Канада бош вазири Жан Кретьенга телефон қилиб, ҳалок бўлган 4 нафар аскарлар учун ҳамдарлик билдири.

Боиси, Афғонистондаги Қандахор шаҳри яқинидаги ўқув машгулотлари ўтказётган канадалик аскарлар устига англашилган ҳолда Американинг "Ф-16" самолёти бомба ташлаб юборган.

Мазкур хатолик туфайли 4 нафар ҳарбий ҳалок бўлиб, 8 нафари яраланган. Бугун Афғонистондаги антитеррор кампанияда 700 дан ортиқ канадалик аскарлар иштирок этмоқдалар.

## ГРОЗНИЙДА ТЕРРОР ХУРУЖИ

Грозний шаҳрида амалга оширилган террор хуружи вактида 18 нафар ОМОН хизматчилари ҳалок бўлди. Махаллий милиция биноси ёнида жангарилар автобусни портлатиб юборишиди. Чеченистон расмийларидан Бислан Гантамировнинг айтишича, террорчилар, албатта, жазоландилар. Террор вактида юз берган отишмада




жиноятчилардан бири яраланиб ҳибса олинди. Шунингдек, гумондор сифатида 15 га яқин киши кўлга олindi.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.



## АҚШДА ПОЕЗД ҲАЛОКАТИ

Вашингтон — Орландо йўналиши бўйича ҳаракатланаётган йўловчи поезд Креист-Сити шаҳри яқинидаги рельсдан чиқиб кетиши боис, ҳалокатга учради. Темир йўллари компаниясига тегишили бўлган ушбу поездда 400 нафар атрофидаги йўловчи кетаётган эди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳалокатга вактида камида уч киши курбон бўлиб, 20 дан ортиқ киши жароҳатланган. Вагонлар остида эса тахминан 75 нафар киши қолиб кетган. Воқея жойида кутқарув ишлари олиб бориладиган бўлиб, ҳозирча ҳалокат сабаблари аниқ эмас.



## Nobel mukofoti sohiblari

мати қалқонсимон без функциясини ўрганиш ва унинг касалликларини, жумладан, буқоқнинг ҳар хил турларини жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини ишлаб чиқида кўринади. Ўша вактда қалқонсимон без қандайдир бир мухим биологик роль ўйнайди, деб ҳисобланарди. Шу сабабли бўлса керак, Кохер эндигина тиббий фаолиятини бошлиётган йиллари буқоқ касаллигида, одатда бу безни бутунлай олиб ташлашарди. Бунда без атрофидаги жоялашган тўртта пароқалқонсимон безларга ётиб беришмасди. (Қалқонсимон безнинг тўрт бурчагида жоялашган бу безлар сужуларда ва тананинг бошқа тўқималаридаги кальций алмашинувини тартибга солишда мухим роль ўйнайди).

Бугунги кунда қалқонсимон без тироксин ва трийодтиронин гормонларини ишлаб чиқиши ва қонга бериши маълум. Бу гормонлар ҳужайра метаболизми, жумладан, кислород истеъмолини энергия алмашинувини ва карбонат ангириди ишлаб

## ТЕОДОР КОХЕР

Бундан ташқари, Кохер антисептика усулини ўз ичига олган, операция яраларини даволаш учун зарур бўлган шартларни баён этиб берди ва ўқяраларни даволаш бўйича таникли мутахассис бўлиб котди. Римдаги врачларнинг Халқаро конгрессида Кохер ўзининг клиник ва тадқиқот ишларини умумлаштириб берди. Вакт ўтиб эса, ушбу мавзуда "Үк тегиши яралари ҳақида" ("On Gunshot Wounds" 1880.) ва "Кичик калибрли ўқдан ҳосил бўлган ўк тегиши яралари назарияси" ("The Theory of Gunshot Wounds Due to Projectiles of Small Caliber" 1895) номли иккита китоб чоп этиди. Унинг "Жарроҳлик операциялари ҳақидаги таълимот" ("Theory of Surgical Operations") номли китоби олти марта кайта нашр этилди, кўплаб тилларга таржима қилинди ҳамда АҚШ ва Европада жарроҳлик бўйича умумқабул қилинган кўлланма бўлиб котди. Унинг бошқа мақола ва китоблари кўплаб касалликларни, жумладан, ўтири остеомиелитни (сүяклар ва иликнинг шамоллаши) даволаш усулларига ҳамда ошқозон касалликлари, ўтири офтаги касалликлари, тўғри ичак раки, эпилепсия (тутқаноқ) ва қовуқ грижасини жарроҳлик йўли билан даволашга бағишилган эди. Лекин Кохернинг асосий хиз-

чиқишини тартибга солиш учун жуда муҳимдир. Агар қалқонсимон без гормонларни ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқарса, ҳужайра метаболизми ва нафас олиши даражаси патологик жиҳатдан ошиб кетади, гипертреоз деб атальмиш ҳолат юзага келади. Аксинча, бу гормонлар жуда кам ишлаб чиқилса, ҳужайралардаги алмашинувини ва нафас олиши кучи (интенсивлиги) пасайиб кетади. Бу ҳолда катта ёшли беморларда гипотреоз, болаларда эса кретинизм юзага келади. Агар овқатлини рационида йод миқдори камайиб кетса, қалқонсимон без тўқималари ўсиб кетади ва қалқонсимон без кattalashadi; бу ҳолат буқоқ деб атальди. Агарда қалқонсимон без жуда кattalashadi кетса, у овоз пайчалари, трахея ва атроф тўқималари нервларини босиб қуяди. Бундан ташқари, буқоқ ташки хунуклик ҳам олиб келади.

Кохер тиббий фаолиятини эндигина бошлиётган вактда анъанавий жарроҳлик усулига амал қилган ҳолда қалқонсимон безни бутунлай олиб ташларди. Лекин кўп ўтмай бу беморларда кретинизм ҳўйлигидан юзага келадиган касаллик. Кретинизм қалқонсимон без гормонлари сефиреяларининг йўқлигидан юзага келадиган касаллик. У хисманий ва аклий ўсишнинг пасайишида, сүяклар ва юмшоқ тўқималар дистрофияси

Т. Кохер Мария Уитчига уйланган. Уларнинг уч фарзандлари ичидан биттаси жарроҳ бўлиб етишиди ва отасининг ишларида ёрдамлашиди. Кохер 1917 йили Бернда вафот этиди.

Т. Кохер Лондон қироллик жарроҳлар жамиятининг ва дунёнинг кўплаб тиббий жамиятларининг фахрий аъзо-си эди. У 1902 йили Германия жарроҳлар жамиятининг президенти, уч йил ўтиб Брюсселдаги I Халқаро Жарроҳлар конгресси президенти этиб сайланган.

А.ТУРАЕВ

**Душанба, 22**

«Ўзбекистон» телеканали  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Таҳлилнома».  
8.50 «Камалак».  
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кўшлар».  
9.40 «Туртниҳи ҳокимият».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Бошқача ҳаёт». Бадий фильм.  
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги ҳаљ чолгулари оркестрининг концерти.  
12.05 «Олам». Телеальманах.  
12.35 «АЗИС одамлар». Дам олиш дастури.  
13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Бали, Раислар». Телевизион ўйин.  
15.00 М.Исмоил. «Янги ой чиққан кечা». Видеофильм. 1-кисм.  
16.00 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.  
16.20 Кундузи сеанс: «Қандай ажаб бу дунё». Бадий фильм.  
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».  
18.25 «Мұлқ».  
18.45 «Балтак воқеа».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Калбимда юрт ишқи». 1-кисм.  
21.45 2002 йил - Қарияларни қадлаш йили. «Париси бор ўй».  
«Спорт» дастури:  
22.15 «Милионлар ўйини».  
22.45 Таъқвандо бўйича Ўзбекистон чемпионати.  
23.05 «Ахборот - дайжест».

**«Ёшлар» телеканали**

9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ўй вазифаси», «Болалар шеъриятидан».  
10.25 «Самовий саргузашлар». Сериял. 26-кисм.  
10.50 Якшанбада кўришгунча.  
11.05 «Давр ҳафта ичида».  
11.35 Мусикий лаҳзалар.  
11.45 «Кусто командасининг субости саргузашлари». Телесериал.  
12.35 Давр-news.  
12.55 «Дарбадарлик». Бадий фильм. 4-кисм.  
13.40 Автосалтанат.  
13.55 Вильям Шекспир. «Кирол Лир». Ахборот Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-кисм.  
15.20 Спорт ҳафтаносами.  
15.35 «Кирол Лир». Ахборот Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 2-кисм.  
17.05 «Ўра». Телевизион бадий фильм.  
17.35 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.  
18.05 «Мульттомоша».  
18.20 Оқшом наволари.  
18.35 Тафакур ёлқинлари.  
18.50 Олтин мерос.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.40 Ўзбек мумтоз мусикасидан.  
19.45 Эрта сўнган юлдузлар.  
20.05 Ёшлар овози.  
20.25 Мухаббат қўшиклари.  
20.50 «Эсмеральда».  
21.25 Кишлоддаги тенгдошим.  
21.45 Олтин мерос.

**«Тошкент» телеканали**

17.20 Болажонлар экрани. «Дайди тўйининг қайтиши».  
18.00 «Мусикий меҳмонона».  
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтакт». Ахборот дастури.  
18.45 ТТВда сериал: «Жан Кристофф». 6-кисм.  
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.  
19.50 «Авто-news».  
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
21.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.  
22.45 Кинонигоҳ. «Жейн Эр». 2-кисм.

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 6.30-8.00  
16.05 «Вести».  
16.20 СFI тақдим этади: «Покахонтас». Мультсериял.  
17.10 «Бугун оламда». РЖТ  
17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
18.00 «Оиласлави ришталар». Сериял.  
19.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.  
20.00 «Время».  
20.35 «Зарбли куч». Сериял.  
ЎзТВ-IV  
21.40 «Автострада».  
**22.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)**  
22.10 «Ҳаёллар ороли». Сериял.  
**22.45 «Ахборот» (рус тилида)**

**Сешанба, 23**

«Ўзбекистон» телеканали  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Буюк ишак йили. Нурота».  
9.20 Эстрада тароналари.  
9.45 «Кўшилук хакида ўйлар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 Алифбо сабоклари.  
10.25 «Ажойиб ҳаёллараст».  
Бадий фильм.  
11.40 «Мерҳ колур».  
12.05 «Кувноқ шаҳарча».  
Телевизион ўйин.  
12.35 ТВ клип.  
12.45 «Остонаси тиллодан».  
13.05 «Асқия».  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Баркамон авлод орзузи».  
14.35 Экранда кинокомедия: «Ишбайлармон - кишилар».  
Бадий фильм.  
16.00 «Ягона оиласда».  
16.30 «Ўзбекистон бастакорлари».  
16.55 «Таян нуктаси».  
17.10 «Кўшилим жон кўшилим».  
17.40 «Орзулар канотида».  
18.10 Болалар учун. «Серхли ҳарфлар оролчаси».  
18.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.00 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишиланган бадий - спорт байрами. Фарғонадан олди кўрсатилиди.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Кўшилимиз сизга армуғон».  
22.00 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишиланган бадий - спорт байрами.  
23.25 «Ахборот - дайжест».

**«Ёшлар» телеканали**

9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» почтаси: «Окабтар», «Савол беринг-жавоб берамиз».  
9.45 «Мульттомоша».  
10.00 Бизнес-академия.  
10.15 «Эсмеральда».  
10.45 Мусикий лаҳзалар.  
10.55 Кинотақим.  
11.15 «Кусто командасининг субости саргузашлари». Телесериал.  
12.05 «Ёшлар овози».  
13.30 «Спорт, спорт, спорт».  
22.45 «Музозонат».  
23.10 «Ахборот - дайжест».

**«Ёшлар» телеканали****«Ёшлар» телеканали**

Таникли шоир Мурод Раҳмон ўзбек қўшиқчилик санъатига катта ҳисса қўшиб келаётган серқирик ижодкорлардандир. Шоирнинг 300 дан зиёд шеърлари қўшиққа айланган бўлиб, уларни Ю.Усмонова, Н.Ҳамроқулов, Ф.Ёкубов, Б.Ҳамдамов, Х.Лутфуллаев, М.Тўхтасинов, ака-ука Ваҳобовлар, С.Козиева, А.Усмонов, С.Азизбоев, А.Дадаев, Р.Комилов, А.Қурбонов, А.Санаев, С.Сафтарова каби машҳур хонандадар ижро этишади.

Шоир яқинда бир неча туркумда шеърлар яратди. Ушбу шеърларда янги аср тилаклари, она Ватан манзаралари, гўзал баҳор ва Наврӯз шодиёналари, поклик ва имон, дўстлик ва муҳаббат туйгулари тарнум этилади.

Куйида шоирнинг янги шеърларидан ўқийсиз.

### БИР СЎЗ...

Дунёда бир сўз яшар,  
қалбимга азиз, азиз...  
Бу сўзда мужассам бахт,  
Шодлик ва сурур унда.  
У борки, ҳаёт кўркам,  
Ширина лазиз, лазиз.  
Юрақда түғён урар  
Хам фахру фурур унда.  
Ватандир бу, Ватан, Ватан, Ватан!  
Болаликдан нафасин  
Хис этганимдир ўша —  
Кудратидан, меҳридан  
Кувонганим дағъатан.  
Шу сўз билан тепар қалб,  
Яшнар замон ҳамиша.  
Бу сўз - жону жаҳоним,  
Жонажонимдир: Ватан!  
Ватандир бу, Ватан, Ватан, Ватан!



### БОБУР ЁДИ...

Боғишамол боғларида  
Бобур руҳи кезарму?  
Дунё меҳрин қозонганин  
Шоир ўзи сезарму?

Андижонда зор кетган дил  
Юртни кўп соғинмиш...  
Анда жоним қолди, дея —  
Шу Ватангага сифинмиш...

У жаҳоншох бўлса ҳамки,  
Юрт қиёсин топмади.  
Халқ меҳри шеър — зиё бўлиб,  
Оlam юзин қоплади...

Оҳ, бир тилим қовунингта  
Тенг келмади олтин, зар!  
Элим, мангу Бобур или  
Фаҳр этсанг ярашар!



Боғишамол боғларида  
Бобур руҳи кезарму?  
Хар юракдан жой олганин  
Шоир ўзи сезарму?..

### ТОҲ СУҚУТДА ЯШАЙДИ ОДАМ...

Гоҳ сукутда яшайди одам,  
Үйларида туганмас иши.  
Хаёлида дунё ташвиши,  
Гоҳ сукутда яшайди одам...

Сукунат, бу — сехрли олам,  
Улгаяди унда муҳаббат.  
Яшириндир нафрат ва шафқат,  
Сукунат, бу — сехрли олам...

Сукутлардан тинглайман қўшиқ...  
Қиз юзида иффат ва ҳаё.  
Қўзларида сезаман вафо,  
Сукутларда тинглайман қўшиқ...

Сукутларда — умид, орзулар...  
Баъзан шодлик, гоҳида армон.  
Балки иқбол яшайди пинҳон,  
Сукутларда — умид, орзулар...

Сукутимда сабот, матонат...  
Гул очади кўнгил баҳори.  
Нафасларда — севги изҳори,  
Сукутимда сабот, матонат...

Сукунат ҳам — бутун бир ҳаёт...  
Сўзсиз ҳам қалб меҳр таратар.  
Балки Мурод баҳтин яратар,  
Сукунат ҳам — бутун бир ҳаёт.

### ШЎХ ЙОДИЁНА...

Бунча гўзал ҳаёт, хуррам замона,  
Хар дилда завқу шавқ, янгрок таро-на...

Гулгун чехраларда яна табассум,  
Давом этар байрам, шўх шодиёна.  
Шўх шодиёна, шўх шодиёна...

Гуллар-ла безанган ўлкамда баҳор,  
Элларга таралар наво бетакрор.  
Дилларни яшнатар боғлар чиройи,  
Шодликка бурканган олам баҳтиёр!  
Шўх шодиёна, шўх шодиёна...

Бугун мунча ширин сухану калом,  
Куй, қўшиқ, қаҳ-қаҳа авжиди мудом...  
Давраларда кезар аъло кайфият,  
Баҳор, гул байрами этади давом!  
Шўх шодиёна, шўх шодиёна...

Иштирларнинг дорилари билан тузатаман, деб уринманг", деб чақалок кетади.

Кечқурун ҳам бир сиқим исириқни бир банка сувда қайнатиб, оёқларини ванна қилинг. Ёш болага ҳадеб дори ичира-верманг, ўзимизнинг шифобахи гиёҳимиз турганда, шамоллашдек касалларни дўхтириларнинг дорилари билан тузатаман, деб уринманг", деб танбеҳ берадилар.

Бора-бора хушбўй бу гиёҳ миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўйсиги

эканлигини англаб етдим. Чақалоқ тумонида, у туғруқхонадан уйга олиб келингач, она-болага исириқ тутатишади.

Ёмон кўзлардан асрасин, чақалоқ униб-үссин, соғлом бўлиб вояга етсин, деган ниятда. Уни бешикка белашдан аввал

бешикнинг ҳамма нарсалари яна исириқка тутилади. "Бало-қазолар нари бўлсин, чақалоқ тинч ухласин", деб. Ёки икки ёшнинг висол оқшомида яна кайвони момолар, кўпни кўрган онахонлар

"куёв келди, тезроқ исириқ тутатиб юборайлик. Болаларимиз баҳтили бўлиш

### ЭЪЛОН

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗ ТАСАРРУФИДАГИ МУАССАСАЛАРГА ЎҚУВ КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ ҲАРИД ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерда қатнашиш истагини билдириган ташкилотлар кўйидаги хужжатларни топшириши шарт:

— Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг кафолат хати ёки молиявий имконияти тўғрисидаги маълумотнома;

— Нарх-наво ва қабул қилинган спецификация бўйича маҳсулот етказиб бериш ҳақида тендер таклифлари;

— Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;

— Халқ таълими вазирлигининг 20203000100101044002, Тошкент шаҳар ўй-жой курилиш банки, Мехнат бўлими, МФО 00423, ИНН 201120808 ҳисоб рақамига бўнек ўтказилганини ҳақида тўлов хатининг нусхаси. (Бўнек миқдори таклиф этилаётган маҳсулот умумий нархининг 2,5 фоизини ташкил этади).

— Тендерда қатнашиш таклифлари комиссия томонидан 2002 йил 22 апрелдан бошлиб 15 май соат 11 гача, ўрнатилган тартибда факат иккиланган конвертда муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташки конвертда:

\* Корхонанинг номи, тўлиқ манзили;

\* Вазирlikning maxsus ҳисоб рақамига ўтказилган бўнек тўлов хати (платежное поручение);

\* Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг кафолат хати ёки молиявий имконияти тўғрисидаги маълумотнома;

\* Бюджетга қарзлари йўқлиги тўғрисида солик инспекцияси маълумотномаси;

\* Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;

\* Корхонанинг шу каби лойиҳаларда иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумот (шартномалар нусхаси).

Ички конвертда:

\* Таклиф этилган спецификация формаси бўйича тендер таклифлари, жиҳозлар рўйхати ва уларга қўйилган нархлар (спецификациянинг 1-қисмида ҳар бир бандга алоҳида нарх кўрсатилиши шарт, спецификациянинг 2-қисмида ўкув дастур воситаларининг тавсифи ва бошқа керакли маълумотлар) келтирилади.

Тендерга 2001 йил 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган ташкилотлар кўйилмайди. Шу сабабли тендер қатнашувчилари тегиши органдар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақида маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

син, ували-жували бўлиб, ўзларидан тинишсин. Кўша қарид, орзу-ҳавасларига етишин" деб ҳокандозда исириқ тутатиб келтиришади.

Исириқ ҳақида турли ривоятлар, ҳикоятлар мавжуд бўлиб, уни пайғамбарларимиз дуоси түфайли пайдо бўлган дейишиади.

Бугунги кун тиббиётидаги ҳам исириқ кўп қўлланилмоқда. Буюк табиб Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" рисоласида эса бу гиёҳ ҳақида кўпгина таърифларни ўқиши мумкин.

Жумладан, исириқ ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси бод, безак, тутқаноқ, үйқусизлик, нафас қисиши, шамоллаш каби қасалларни дөвөлешда ишлатылади.

### ИСИРИҚ – МИНГ ДАРДА ДАВО

санд бўлардик. Уни тўйиб-тўйиб ҳидлаб, биз ҳам пичирлардик "дардларимга даво бўл, ёмон кўздан, инс-жинсдан асра. Бало-қазоларни менга яқин ўйлатма". Ҳавода анча вақтгача ёқимли бир ҳид кезиб юарди ўшанда.

Қишида акам ёки мен касал бўлиб қолсам, бувим онамга "боринг, бир сиқимгина исириқ тутатиб келинг, болалар тумовлабди. Бир мазза қилиб исириқ ҳидласа кўрмагандек бўлиб кетади. Кечқурун ҳам бир сиқим исириқни бир банка сувда қайнатиб, оёқларини ванна қилинг. Ёш болага ҳадеб дори ичира-верманг, ўзимизнинг шифобахи гиёҳимиз турганда, шамоллашдек касалларни дўхтириларнинг дорилари билан тузатаман, деб уринманг", деб танбеҳ берадилар.

Бора-бора хушбўй бу гиёҳ миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўйсиги эканлигини англаб етдим. Чақалоқ тумонида, у туғруқхонадан уйга олиб келингач, она-болага исириқ тутатишади. Ёмон кўзлардан асрасин, чақалоқ униб-ўссин, соғлом бўлиб вояга етсин, деган ниятда. Уни бешикка белашдан аввал бешикнинг ҳамма нарсалари яна исириқка тутилади. "Бало-қазолар нари бўлсин, чақалоқ тинч ухласин", деб. Ёки икки ёшнинг висол оқшомида яна кайвони момолар, кўпни кўрган онахонлар "куёв келди, тезроқ исириқ тутатиб юборайлик. Болаларимиз баҳтили бўлиш

Шарифа МАДРАҲИМОВА

### Ko'ngil bitiklari

\*\*\*

Кўнглимни қўйнимдан излаган

гумроҳ,

Кўй уни, сенсиз ҳам

садпора, сиёҳ...

Балки, тошдаги гул,

қордаги гиёҳ

Кўнглим...

Уни самолардан ахтарар ҳилол,

Излаб заминни зир титратар

шамол,

Унга кўл солмоқчи бўлар,

эҳтимол

Синглим...

Айт, менга дағдага

қилмасин ажал,

Жон керакми, олсин турмасдан,

дангал,

Уни тополмайди онамдан аввал

Хеч ким...

Ахоржон БОЙЗАЕВ,

Янгиер шахри



